БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЮЛ ЧИҚИШИ
№ 136 (1140)
11 ИЮЛЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Қаторларда жилдираб саратон суви оқсин, гуркираб ҳар туп ғўза кўсакдан маржон тақсин! Пискент ва Бўка районлари пахтакорларининг янги мажбурияти (1-бет).

Самимият ва дўстлик вазиятида. КПСС делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлиши (2-бет).

Чехословакия Республикаси Президенти А. Новотнийнинг СССР бўйлаб саёҳати (2-бет).

СССР Олий Совети Президиумида (2-бет).

КПСС МК МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ: **Н. Фийгельсон.**—Химикларга мукаммал машиналар етказиб бераміз (2-бет).

СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига эсдалик хати (2-бет).

Редакцияга хатлар (3-бет).

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН: **З. Ризаев, Б. Шустер.** — Прогрессив Африка адабиёти (3-бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ: Активларнинг материалларига кўпроқ ўрин берайлик (3-бет).

Руминия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келди (4-бет).

Совет Иттифоқининг Эронга ёрдами (4-бет).

Исроил дипломатига Польшадан жўнаб кетиш таклиф қилинди (4-бет).

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

ҚАТОРЛАРДА ЖИЛДИРАБ САРАТОН СУВИ ОҚСИН, ГУРКИРАБ ҲАР ТУП ҒЎЗА КЎСАКДАН МАРЖОН ТАҚСИН!

СУВЧИ

Саратон жазирамасида маржон-маржон тер тўкаётган, тун сукунатини бузиб бедор юрган, тонг ёришишини ҳар куни кузатаётган, поёнсиз «оқ олтин» водисига чирой бераётган, файз бахш этаётган ким? Сувчи. Сувчи ўзи билан бирга далага ҳаёт бошлаб келади. Кетмончи ва универсалчининг меҳнатини кўрсатувчи, тупроқдаги ўғитни ғўзанинг томир-томирига сингдирувчи, экинга ривож берувчи, кечаги шонани гулга, гулни кўсакка айлантирувчи сувчи эмасми? Қайси бир колхоз, совхозга борманг, деҳқончиликнинг «тили»ни билган, йиллар тажрибасини мужассам қила олган кишилар сувчилик қилаётганлигини кўрасиз. Нуроний сувчилар қаторида кечагина мактабдан келган, оталар тажрибасини далада юриб ўрганиб олган ёш сувчилар ҳам борки, уларнинг ишини кўрганда устозлар ҳам тан берадилар. Бугунги шогирд сувчининг ўз устозидан ўзаётгани, унинг тажрибасини тўлдираётгани, бойитаётгани қанчалик қувончли.

Сувчи ғўзани яшнатувчи, деб бечиз айтмайдилар. Мўл ҳосил етиштиришга қарор қилган, шу олган катта мажбуриятни шараф билан адо этиш йўлида ҳормай-толмай курашаётган — чопиқ, культивация, ўғитлашнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишига эришилаётган колхоз, совхозларда сувчининг ролига катта аҳамият берилди, суғориш шу юқорида айтилган ишларга боғлаб ўтказилади. Шундай қилинаётганлиги натижасида июнь ойида ўсишдан 8-10 кун кечикаяпти, деб ҳисобланган ғўзалар мана, июлнинг биринчи ҳафталарига келиб ана яхшилаб олинди. Бунда кетмончи ва универсалчилар қатори сувчилар ҳам жонбозлик кўрсатишди. Ҳар галги чопиқ ва культивациядан кейин ғўзалар кеча-кундуз қондириб суғорилди, айрим далаларнинг чала суғорилишига ёки қўллатиб юборилишига йўл қўйилмади. Бригада ва звено бошлиқлари суғоришнинг сифатини ҳамма вақт текшириб турдилар, сувчиларга амалий ёрдам бердилар.

Илғор хўжаликларнинг раҳбарлари ҳозирги ғоят иссиқ кунларда сувчилар сонини кўпайтириш билангина чекланмай, ҳар бир сувчининг кеча-кундуз унумли ишлаши учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бермоқдалар. Сувчилар иссиқ овқат билан бир қаторда ширинликлар билан ҳам таъминланмоқдалар.

Илғор хўжаликларда ишнинг кўзини билган раҳбарлар июль кириши билан бошқа ишлар қатори ғўзани қондириб суғориш учун эътиборни кучайтирдилар. Улар ҳозирги пайтда сувчи ҳал қилувчи киши, шу пайтгача қилинган ишнинг натижасини кўрсатувчи киши эканлигини тўла англаб, сувчилар составини янгилан кўриб чиқдилар, бунда ишни масъулиятли сезган ҳолда бажармаётган сувчилар ўрнига суғоришда кўп йиллик тажриба орттирган, шу ишни юракдан севган кишиларни қўйдилар.

Ўз касбини севган, ғўзани қондириб суғоришда кўп йиллик тажриба орттирган кишилар тўғрисида гап борганда Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи, уста сувчи Пўлатхўжа Авлиёхўжаев тўғрисида қониқиш билан сўзлашади. Унинг звеноси жойлашган далалар суғориш анча қийин бўлган нотекис ерлардан иборат. Пўлатхўжа Авлиёхўжаев ана шу ерларнинг рельефини жуда пухта билади, шунинг учун у сув тараган қаторларда ғўза бир текис мириқиб сув ичади.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг отахон сувчиси Талаббой ота Сиддиқов, Пискент районидаги Ворошилов номли колхоздан Зокир ота Алиев, Гулистон районидаги «Красний Восток» колхозининг аъзоси, 1931 йилдан бери сувчилик қилиб келаётган Саримсоқ Ашуров ўртоқларнинг сув тутиш соҳасидаги тажрибаси ибрат бўларлиқдир. Ана шу миришкор сувчилар ишлаётган далаларда ғўзалар жуда яхши ривожланмоқда. Улар ўз меҳнатларининг натижаларини — шона ва гулларни, дастлабки кўсакларни кўриб қувонмоқдалар. Бу қувонч уларни янгда зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантирмоқда.

Сувчининг ҳозирги кундаги ҳал қилувчи роли ғоят катталигини, саратонда ғўзани қондириб суғориш мўл ҳосил гарови эканлигини ҳар бир деҳқон жуда яхши билади. Сирдарё районидаги Ленин номли, Калинин районидаги «Коммунизм» колхозларининг раҳбарлари ҳозирги пайтда ғўзани кеча-кундуз суғориш, бунинг учун далани тайёрлаш энг зарур ишлардан бири эканлигини билмайдиларми?! Ваҳоланки, шу колхозларда культивация кечикиб ўтказилаётганлиги сабабли суғориш ҳам орқага сурилмоқда. Демак ғўза ўсиш ва ривожланишдан қолмоқда. Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда ҳалигача кўпгина далалардаги ғўза ҳатто бир чарта ҳам суғорилмаган. Калинин районидаги «Коммунизм», «Победа Октября» колхозларида культивация ўз вақтида ўтказилмай, ер тайёрлаб берилмаётганлиги сабабли катта-катта майдондаги ғўзалар сувдан қолиб кетмоқда.

Сирдарё районининг раҳбарлари Ильич номли, «Ленинобод», Ленин номли колхозларда юзлаб гектар ердаги ғўзаларнинг сувдан қолаётганлигини жуда яхши биладилар-у, аммо бирор тадбир кўрмайдилар. Оқибатда ана шу колхозларнинг раҳбарлари сувчиларга қулай шароит яратиб бермаётирлар, бунинг устига сув сероб деб исроф гарчиликка йўл қўйилмоқда. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари суғоришнинг сифатини ва сифатини кучайтириш ҳамда яхшилаш учун зарур тадбирларни белгилашлари, сувчиларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб беришни колхозларнинг раҳбарларидан талаб қилишлари, илғор сувчиларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришга эътибор беришлари керак.

Бундан кейинги муваффақиятни асосан ғўзани қай аҳволда суғориш ҳал қилади. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари сувчилар сонини кўпайтиришга, бу ишни кеча-кундуз ўтказиш имкониятини яратишга, биринчи навбатда сувчиларнинг яхши ишлашлари учун уларга маданий-маиший жиҳатдан қулай шароит яратиб беришга катта эътибор беришлари зарур. Ҳамма далалардаги ғўзанинг ўз вақтида қониб сув ичиши учун ўғитлаш ва культивация қилиш белгиланган муддатларда ўтказилиши, бунинг учун универсаллар ва от культиваторларнинг тўла унум билан ишлашига эришиш ҳозирги пайтдаги зарур вазифалардан биридир.

Бу йил каналларда ва ариқларда сув сероб бўлди. Ана шу сувнинг бир томчисини ҳам нобуд қилмай ғўзани суғоришда фойдаланайлик!

Сувчи — ҳозирги кундаги ҳал қилувчи киши. Ҳар бир колхоз ва совхозда суғоришни намунали ўтказиш ана шу сувчиларнинг фидокорлигига, ўз вазифаларига масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда қарашларига боғлиқдир. Сувчиларнинг кеча ва кундуз унумли, сифатли ишлашлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб берайлик. Ҳар бир туп ғўза қониб сув ичсин.

Илғор бригада даласида

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан илҳомланган Октябрь районидаги «Коммунизм» колхозининг Ҳакимжон Абдиев бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини тобора қизитиб, 69 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

Ҳозир бригадада ғўза тўртинчи марта парваришланаётир. Илғор механизаторлардан Ш. Тўлаганов, Ў. Аҳмедов ўртоқлар ўз универсалларида ҳар куни 10-12 гектар ердаги ғўза қаторларини сифатли парвариш қилмоқдалар. Гулчеҳра Утабекова, Турсуной Жидалиева, Раҳима Қанаева, Тойлоқ Избосаров каби илғор колхозчилар кундалик нормаларини 1,5-2 баравар бажармоқдалар.

Ғўзаларнинг яхши ривожланишида миришкор сувчилардан Қ. Акбаров, Р. Олчинбоев, С. Азимовларнинг ҳам ҳиссаси катта, улар кунига 0,60 гектар ўрнига 1,-1,5 гектар ердаги ғўзаларни қондириб суғормоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

Моҳир механизатор

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун курашиб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Мўл ҳосил етиштириш ишига ўртоқ Ваққос Тўлбоев сингари механизаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тўлбоев ёш бўлишига қарамасдан механизаторлик соҳасида бошқалар ўрнак олса, ўрганса арзийдиган тажриба орттирган. Квадрат-уялаб чигит экилган пайтда ҳам Тўлбоев бошқа механизаторларга ўрнак бўлиб, юқори унум билан ишлаган эди. Бугунги кунда эса у ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилиш соҳасида ҳам ғайрат кўрсатмоқда. Кунига 10-12 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, топшириқни ортиғи билан бажараётир. У ишнинг сифатига ҳам алоҳида аҳамият беради, культивация даврида бирон туп ҳам ғўзанинг побуд бўлишига йўл қўймайди. Баъзилар ўртоқ Тўлбоев эришаётган ютуқларнинг сирини нимада, қандай қилиб у юқори кўрсаткичларга эришаётир, деб сўраши мумкин. Бу моҳир механизатор эришаётган ютуқларда ҳеч бир сир йўқ. Энг муҳими шуки, у ўз агрегатини ҳамма вақт техника кўригидан ўтказиб туради. Ишга тушишдан олдин универсалнинг иш органлари, ғўғри ўрнатилганми-йўқми, албатта текшириб кўради. Камчилик топгундай бўлса дарров тузатади. Шунингдек вақтдан унумли фойдаланади. Шу туфайли ҳам ўртоқ Тўлбоев топшириқни ўз вақтида бажариб меҳнатда юқори кўрсаткичга эришаётир.

Давлатга 60 минг тонна пахта сотамиз!

Пискент ва Бўка районларининг пахтакорлари оширилган мажбурият олдилар

8 июль куни Пискент районидаги Ворошилов номли колхозда ўзаро мусобақалашувчи икки район — Бўка ва Пискент район қишлоқ хўжалик активининг кенгаши бўлди. Кенгашда колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, агрономлари, колхоз раисларининг механизация бўйича ўринбосарлари, бригада механиклари, дала бригадаларининг бошлиқлари, МТС ва РТС ҳамда сув органлари ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари С. Нуриддинов очади. Ў, кенгаш қатнашчиларига иккала райондаги колхоз ва совхозларнинг июлнинг биринчи беш кунлигида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида ғўза ривожланишидаги қолоқликни тугатиш тадбирлари ҳақида»ги қарорини бажариш юзасидан қилинган ишларнинг якунини муҳокама қилишни таклиф қилади.

Бу масала юзасидан Пискент район партия комитетининг секретари Латипов, Бўка район партия комитетининг секретари Шайхов ўртоқлар доклад қилдилар.

Латипов ва Шайхов ўртоқлар илғор бригада, бўлим ва колхозларнинг айрим ютуқларини кўрсатиб ўтгач, ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни батафсил анализ қилдилар, экинларни парвариш килишни яхшилаш юзасидан кўрилаётган тадбирларни гапириб бердилар.

Айрим колхозлар — Пискент районидаги Ворошилов номли, Бўка районидаги Хрушчев номли колхозлар, шунингдек «Пискент» совхозининг учинчи, бешинчи ва саккизинчи бўлимлари шу ноқача бир қатор участкаларда яганалашни тугатмаганлар. Қатор ораларининг ҳаддан ташқари қалин бўлиши ғўза тупларининг нормал ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Энгельс номли, «Гулистон», Ворошилов номли ва Шверник номли колхозларда, «Пискент» совхозининг ҳамма бўлимларида ғўзани бегона ўт босиб кетган. Бўка районидаги Ленин номли, Карл Маркс номли, «ХХ партсъезд», Мичурин номли колхозларининг каттагина майдонларини бегона ўт босган.

Иккала райондаги олиб борилаётган кетмон чопиғи ғўзани бегона ўтлардан тозолашда кутилган натижаларни бермаётир, бегона ўтлар илдиздан яна ўсиб чиқмоқда.

Суғориш ёмон ташкил этилган. Пискент районида 4 минг гектарга яқин ерда иккинчи суғориш ўтказилмаган. Кўпгина бригадалар ҳалигача суғориш усулини танлаб ола билмаганлар. Текис майдонларда, механик состави енгил бўлган тупроқли жойлардаги ғўзаларнинг ҳар қатори суғорилади, сувни секинлик билан ўтказадиган участкалар эса, эгат оралаб суғорилади. Табиийки, биринчи ҳолда ғўза сувга бостирилади, иккинчи ҳолда эса ғўза сувсираб қолади.

Айрим колхоз ва бригадалар шарват оқизиб суғоришни қўлланмоқдалар. Бу эса ғўзанинг гуркираб ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай қилинмаётир. Кўпгина колхозлар далага гўнг ва бошқа ўғитларни мутлақо чиқармаётирлар, ғўза ривожланишдан орқада қолаётган участкаларни озиқлантиришни кечиктирмоқдалар.

Колхозларда ғўза парваришининг сифати учун кураш суст олиб борилмоқда. Кўп жойларда культивация ниҳоятда сифатсиз ўтказилмоқда.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси ғўза ривожига тўсқинлик қилмоқда. 6 июлга қадар экин майдонининг қарийб ярми ҳосил тугиш ва ёппасига гуллаш даврига кирган эди. Қолган участкалардаги ғўза эса энди гуллай бошлаган ёки шоналай бошлаган, яъни ғўзанинг ўсиши 10-20 кунга кечиккан эди.

Пискент районидаги Жданов номли, Калинин номли, Бўка районидаги Ильич номли колхозларда ва Хрушчев номли колхознинг айрим бригадаларида ҳамда «Пискент» совхозининг бир қатор бригадаларида ғўза қаровсиз қолдирилган.

Июль ойининг биринчи беш кунлиги учун ғўза парвариши юзасидан тузилган асосий ишлар графиклари бажарилмаган.

Графикнинг бажарилмай қолишига асосий сабаблардан бири, тракторлардан ёмон фойдаланилаётганлигидир. РТС, МТС, совхоз ва колхоз раҳбарларининг етарли даражада оперативлик билан ишламаётганликлари, шунингдек материал-техник таъминотнинг қониқарсиз бўлиши ҳар куни кўплаб ҳайдов тракторларнинг бекор туриб қолишига сабаб бўлаётир.

Ишчи кучлари ресурсларидан тўла фойдаланиш тадбирлари ҳам кўрилмаган.

Пискент районидаги Булганин номли колхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қодиров кенгашда сўзлаб, мўл ҳосил етиштириш учун қилаётган ишлари тажрибаси билан ўртоқлашди.

Унинг бригадасига қарашли 104 гектар ердаги ғўза ҳосил тўплаш даврига кирди. Ўртоқ Қодиров кўндалангига уч марта культивация ўтказиш ғўза ўсишидаги қолоқликни тугатишда муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлади.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг бригадири А. Султонов ҳам ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Муҳаммаджонов сўзлади. Ўртоқ Муҳаммаджонов Бўка ва Пискент районларининг кўпгина хўжаликлари юз берган аҳволни ҳисобга олиб, ғўза парваришини кескин равишда яхшилашлари лозим деб таъкидлади.

Бу йил колхоз ва совхозлар кўпгина майдонларга чигитни квадрат уялаб экдилар. Бироқ, кўпгина хўжаликлар бу методнинг афзалликларидан тўла фойдаланмаётирлар. Бўка районидаги Мичурин номли, Ильич номли, «Ленинизм» колхозларининг баъзи бригадаларида, Пискент районидаги Калинин номли колхозда кўндалангига бир марта культивация ўтказиш билан кифояланганлар. Бу колхоз ва бригадаларнинг раҳбарлари кўндалангига ишлашни тўхтатиб, қўл кучи билан қилинадиган ишларни кўпайтиришга йўл қўймоқдалар. Бу ҳам агротехника тадбирларини ўтказишни кечиктиришга олиб келган. Худди ана шу бригадаларнинг далаларида бегона ўтлар авж олиб, ғўза эса жуда кечикиб, нимжон бўлиб ўсмоқда.

Бўка районидаги «Ленин йўли» ва «ХХ партсъезд», Пискент районидаги Жданов номли ва Хрушчев номли колхозларда, «Пискент» совхозининг Охунбобоев участкасида кўндаланг культивацияни муддатидан илгари тугаллаш ҳам яхши натижа бермади.

Ана шу нуқсонларга бутунлай барҳам бериш лозим. Квадрат-уялаб экилган ҳамма майдонларда энг камида кўндалангига 4 марта культивация ўтказиш лозим. Илғор колхоз ва бригадаларнинг тажрибаси бу усулнинг бегона ўтларга қарши энг тўғри ва эффектив чора эканлигини ҳамда ғўзани кам меҳнат сарфлаб, тез ривожлантириш учун яхши шароит яратиб беришини кўрсатмоқда.

Узунасига ва кўндалангига ишлов бериладиган ҳамма майдонларда, ҳатто катта участкаларда ҳам ғўзани икки-уч кун ичида суғориб олиш чораларини кўриш лозим.

Фан ва илғор тажриба ғўзанинг илдиз системаси ва танаси яхши ривожланиши учун эгат оралаб суғориш жуда яхши шароит яратиб беришини тасдиқлайди. Бироқ, эгат оралаб суғориш текис майдонда, физик хусусиятлари яхши бўлган тупроқли ерларда ҳамда ер ости сувларига яқин бўлган участкалардагина яхши натижалар беради. Анча қия майдонларда, енгил тупроқли, қумлоқ, механик состави оғир бўлган ерларда эса, ҳар бир қатордан сув қўйбериш керак.

Тупроқ шароитларига қараб июлда ва августнинг биринчи ярмида ҳар 14-20 кун оралатиб суғориш талаб этилади. Фақат ер ости сувлари яқин бўлган жойларда суғориш муддати бир мунча узайтирилиши мумкин.

Суғориш сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳар бир эгатнинг ҳамма жойи бир текисда нам бўлсин, марзаларнинг ювилиб кетишига ва ғўзани сув босишига йўл қўймаслик керак.

Бегона ўтларга қарши курашни суғориш билан қўшиб олиб бориш керак. Ҳозирги даврда ўт босган участкаларда кетмон ишлатиш кутилган натижани бермаётир. Чункиерда ғумай ва бошқа ўтларнинг илдизлари қолади. Энг яхшиси суғориш билан бирга ёки суғоргандан кейин бегона ўтларни илдизи билан суғириб ташлаш керак. Бу усул билан 1-2 йил мобайнида ҳатто жуда кўп ўт босган участкаларни ҳам тозалаб олиш мумкин.

Ўртоқ Муҳаммаджонов трактор культивациялари сифати устидан контролликни кучайтириш, шу билан бирга от культиваторларидан ҳам фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Тажриба шуни кўрсаталики, ҳамма участкаларда ҳам суғоришдан сўнг ер бир текисда етилмайди. Суғорилгандан сўнг ластлабки кунларда трактор юролмайтиган нам далаларда от культиваторидан фойдаланиш мумкин. Ваҳоланки, Пискент районида от культиваторлари жуда кўп бўлсада улардан атиги ўнга яқини ишлатилмоқда.

Колхоз, совхоз ва қишлоқ хўжалиги инспекциясидаги барча мутахассислар шу кунларда далада бўлишлари, ғўза парваришини ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Кенгаш қатнашчилари далалаги аҳволни муҳокама қилиб ва ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар бир бригада ва звено бўйича июль ойи мобайнида ғўза ривожининг кечикишини бутунлай тугатиш, ҳар бир тупда ўртача энг камида 6-7 тадан кўсак тўплаш имконини берадиган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қарор қилдилар.

Пискент ва Бўка районларидаги колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар 1958 йилда Ватанга 60 минг тонна пахта, шу жумладан Бўка райони бўйича 35 минг тонна ва Пискент райони бўйича 25 минг тонна пахта беришга аҳд қилдилар.

„III ИНТЕРНАЦИОНАЛ“ КОЛХОЗИНИНГ МИРИШКОР СУВЧИЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозида ғўзаларни кечаю-кундуз қондириб суғоришга алоҳида эътибор бериямоқда. Суратда: колхознинг миришкор сувчиларидан (чапдан ўнгга) Жўлабой ота Чўяндиев, Абдусамат Маҳмудов, Эргаш Алиев, Фозил Юсупов ва Салимбой Эргашев ўртоқлар. Улар ғўзани қондириб суғоришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

М. Шевелев фотолари.

Металлурглар куни шарафига

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бу йил биринчи марта нишонланадиган Металлурглар кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар.

Мартен цехининг коллективи мавжуд механизмлардан унумли фойдаланиб, ярим йиллик пландан ташқари кўпгина пўлат эритди. Цехнинг тажрибали мастерларидан Б. Аббосов, Г. Мирзоян ўртоқлар бошчилигидаги бригадалари смена топшириқларини 120 процентгача етказиб бажариб, эритмаларнинг 90 процентга яқинини жадал суръатда тайёрламоқдалар.

Прокат цехи тунукалар станининг мастер ўртоқ А. Кучкин раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу аҳил коллектив ҳар сменада пландан ташқари 14 тоннагача тунука ишлаб чиқараётир. Бу эса завод тарихида эришилган энг юқори кўрсаткичдир.

Самимият ва дўстлик вазиятида

КПСС делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлиши

БИТТЕРФЕЛЬД, 9 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси бугун Галле округи меҳнаткашларининг ҳаёти ва турмуши билан танишди. КПСС делегацияси эрталаб автомашиналарда Биттерфельд шаҳрига жўнаб кетди. Германия Демократик Республикаси химия саноатининг энг катта корхоналаридан бири — электрохимия комбинати ана шу шаҳарда жойлашган.

Сафар вақтида совет меҳмонларини округ меҳнаткашлари ҳамма жойда самимий кутиб олдилар. Биттерфельдга бориш йўлида Н. С. Хрушчев ва делегация аъзолари «Нейланд» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг деҳқонлари билан суҳбатлашдилар.

Электрохимия комбинатида митинг бўлди. Митингда Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Цехлар кўздан кечирилгандан кейин комбинатнинг Маданият саройида йиғилиш бўлди. Йиғилишда Галле округида жойлашган химия корхоналари ҳамда химия саноати корхоналари учун ускуналар тайёрлаётган машинасозлик заводлари коллективларининг мингга яқин вакиллари қозир бўлди.

Йиғилишни Германия Бирлашган социалистик партияси округ комитетининг биринчи секретари Б. Кенен очди.

«Лейна-Верке» корхонасининг директори Ширлер Германия Демократик Республикаси химия саноати олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди. Ширлер социалистик лагерь мамлакатларининг химия саноати икки системанинг иқтисодий мусобақасида ўйнаши лозим бўлган ролини ўқириб ўтди.

Н. С. Хрушчев йиғилиш қатнашчиларига қарата катта нутқ сўзлади. Унинг нутқи гулдурос қарсаклар билан кўп марта бўлиниб турди.

Йиғилишда «Буна-Верке» заводининг директори Неллес ва ишчи Йон ҳам сўзладилар.

Чехословакия Республикаси Президенти А. Новотнийнинг СССР бўйлаб саёҳати

КИЕВ, 9 июль. (ТАСС). Украина пойтахтида меҳмон бўлиб турган ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Республикасининг Президенти А. Новотний ва унинг ҳамроҳлари — Чехословакия давлат ва партия арбоблари 9 июль эрталаб «Точэлектроприбор» заводини бориб кўрдилар. Президентга КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари П. Н. Поспелов, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. С. Коротченко шунингдек СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари М. П. Тарасов, Украина Министрлар Советининг раиси Н. Т. Кальченко ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Корхонанинг бутун коллективи ўртоқ Новотнийни ва чехословакиялик бошқа меҳмонларни «нон-туз» билан кутиб олди. Ўртоқ А. Новотний ва унинг ҳамроҳлари цехларни кўриб чиқдилар, ишчилар билан дўстона суҳбатлашдилар. Бу ишчилар орасида Чехословакияни гитлерчи босқинчилардан озод қилишда қатнашган кўпгина ишчилар бор эди.

Заводнинг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари билан самимий хайрлашиб, Президент ва унинг ҳамроҳлари колхозлардан бирига чиқиб кетдилар.

* * *

Президент А. Новотний ва унинг ҳамроҳлари 9 июлда Киевдаги «Точэлектроприбор» заводини бориб кўрганлан кейин Киевга яқин жойдаги «Жовтень» колхозига бордилар.

Колхозчилар меҳмонларни гоят самимият билан кутиб олдилар. Чехословакиядан келган дўстлар ва уларнинг ҳамроҳлари колхознинг кўп тармоқли бой хўжалиги билан танишдилар. Меҳмонлар яқинда жавдари бугдой ва бугдой ўрим-йиғими бошланадиган далаларга чиқдилар. мева боғини, сут фермасини кўздан кечирдилар, бу йил колхоз сотиб олган тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари турган механизация ҳовлисини бориб кўрдилар.

Колхоз правлениеси биносида меҳмонлар учун зиёфат берилди.

* * *

КИЕВ, 9 июль. (ТАСС). 9 июль тушдан кейин Совет Украинасининг пойтахти Киевда совет-чехословак дўстлигига бағишланган митинг бўлди.

Киевликлар Қизил байроқлар, А. Новотнийнинг, Н. С. Хрушчевнинг ва К. Е. Ворошиловнинг портретларини, гулдасталарни кўтариб, республика стадионига келдилар.

Митингни Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест очди.

«Ленинская кузница» заводининг слесари Т. Г. Пономаренко, Украинанинг таниқли шоири Максим Рильский, Васильков районидаги Ильич номли колхознинг звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. К. Диптан чехословакиялик меҳмонларни қизғин табрикладилар.

Митингда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Республикасининг Президенти Антонин Новотний, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат ва Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний нутқ сўзладилар. Митинг қатнашчилари уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кечқурун Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ўртоқ Антонин Новотний шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган қабул маросими вақтида нутқлар сўзланди.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми СССР қонунларини, СССР Олий Совети қарорларини, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини ва қарорларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби масаласини кўриб чиқиб, бу масала юзасидан Фармон қабул қилди.

СССР қонунларини ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини эълон қилиш ҳамда уларни кучга киритиш муддатларини аниқлаш ишларини тартибга солиш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми шу Фармонга биноан белгилаб қўйдики, СССР қонунлари, СССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва қарорлари қабул қилинганидан кейин етти кундан кечиктирилмай иттифоқчи республикаларнинг тилларидаги «СССР Олий Совети ведомостлари»да эълон қилинмоғи керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган актларнинг халққа кенг равишда ва дарҳол билдирилиши керак бўлган энг муҳимлари «Известия Советов депутатов трудящихся СССР» газетасида эълон қилинади.

Зарур ҳолларда бу актлар радио орқали ҳам халққа билдирилиши ёки телеграф орқали юборилиши мумкин.

СССР Олий Совети Президиумининг умумий аҳамиятга эга бўлмаган ёки норматив характерда бўлмаган Фармонлари ва қарорлари тегишли бошқармалар ва муассасаларга юборилади ҳамда улар томонидан шу актларга даҳилдор шахсларга маълум қилинади. Бу Фармонлар ва қарорлар СССР Олий Совети Президиумининг қарори бўйича эълон қилинмаслиги мумкин.

СССРнинг чет давлатлар билан тузган ва белгиланган тартибда ратификация қилинган шартномалари, битимлари ва конвенциялари ҳамда ратификация қилинганлик тўғрисидаги тегишли фармонлар СССР Ташқи ишлар министрлигининг СССР Олий Совети Президиумига тақдим этилиши билан, «Ведомостлар»да эълон қилинади.

Умум норматив характердаги СССР қонунлари, СССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва қарорлари, агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириш муддати кўрсатилмаган бўлса, «Известия»да ёки «Ведомостлар»да эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач бутун СССР территориясида бир вақтда кучга киради; кенг равишда ва дарҳол ҳаммага билдирилиши керак бўлган ва «СССР меҳнаткашлар депутатлари Советларининг «Известияси» газетасида эълон қилинган актлар «Известия» газетасида эълон қилингандан кейин 10 кун ўтгач кучга киради.

Умум норматив характерга эга бўлмаган бошқа актларнинг ҳаммаси, агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириши ҳақида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

СССР Олий Совети Президиумининг, Президиумнинг қарорига биноан умумий аҳамиятга эга бўлмаган ёки норматив характерга эга бўлмаган деб эълон қилинмаган Фармонлари ва қарорлари, агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириши ҳақида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, уларни тегишли бошқармалар ва муассасалар олган пайтидан бошлаб кучга киради.

Шу Фармон кабул килинганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми бу масалага доир илгари қабул қилинган бир қанча актларни ўз кучини йўқотди, деб топди ва шу актларда СССР ҳукумати қарорлари ва фармойишларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби кўзда тутилганлиги сабабли Президиум СССР Министрлар Советига, СССР Министрлар Совети қарорларини ва фармойишларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартибини белгилаб қўйишни топширди.

КПСС МҚ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Химикларга мукаммал машиналар етказиб берамиз

Партия Марказий Комитети май Пленумининг химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорини муваффақият билан амалга оширишда саноатнинг ана шу соҳаси учун машиналар, механизм ва турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётган корхона коллективларининг, шунингдек илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳалаш институтлари, конструкторлик бюроларининг роли жуда катталир. Чунки химия саноатини узлуксиз равишда тез суръат билан ривожлантирмоқ учун аввало иш унумдорлиги юқори бўлган ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган машиналар, аппаратлар ва ускуналар зарур, ишлаб чиқариш процессларини имкони борича механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда технология процессларини такомиллаштириш керак.

Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон химия машинасозлиги заводининг маҳсулотини бепоён Ватанимизнинг барча районларида, шунингдек кўпгина чет эл мамлакатларида ҳам кўриш мумкин. Бунинг учун корхонамиз 165 заказчига химия ускуналари етказиб бераётганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Чет эл мамлакатларида ҳам «Узбекхиммаш» заводи маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж борган сари ошмоқда. Ҳозир қозон цехида Руминия Халқ Республикаси учун иккита йирик химия аппарати тайёрланаётир. Чехословакия Халқ Республикаси учун ҳам ускуна тайёрланмоқда. Халқ Хитойига яқинда совутқич аппаратлари жўнатилди. Польша, Ҳиндистон, Болгария, Корея Халқ Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатларга ҳам турли хил химия машина-ускуналари жўнатилди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз зиммаларига юклатилган гоят катта вазифани чуқур ҳис қилганлари ҳолда мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналаридан маҳсулот олишни кўпайтириш, оғир иш процесслари ва даставвал кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш соҳасида қатор тадбирларни амалга ошираётирлар. Шунинг оқибатида 5 ойлик топшириқ мудлатидан илгари бажарилди ва пландан ташқари 9 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди.

Ана шундай катта муваффақиятларни қўлга киритишда завод инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг хизмати каттадир. Корхона интеллигенцияси ишлаб чиқариш новаторлари билан ҳамкорликда тайёрланаётган компрессор ва аппаратлар конструкциясини янада такомиллаштириш, уларнинг иш унумдорлигини тагин ҳам ошириш соҳасида катта иш қилдилар.

Талантли инженер-конструктор ўртоқ И. Кулик раҳбарлигидаги бюро коллективи машиналар конструкциясини тинмай такомиллаштирмоқда. Масалан, ЗРГ-5/450 типидаги этилен компрессорларининг бир қанча узеллари соддалаштирилди. Натижада машинани тайёрлаш ва уни монтаж қилиш ишлари жуда енгиллашди. Бюро мутахассисларидан Добкин, Кондрашева ва Крайчик ўртоқлар машина иш коэффициентини ошириш, уни тайёрлаш учун сарф қилинадиган меҳнатни камайтириш йўлларини ишлаб чиқдилар ҳамда амалга оширдилар.

Бу ерда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ЗРГ-5/450 типидаги этилен компрессорлари Иттифоқимизда биринчи марта бизнинг заводимизда ўзлаштирилди. Химия саноати учун жуда муҳим бўлган бу аппаратни яратишда ва уни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда инженерларимизнинг хизмати каттадир.

Машинасозларимиз КПСС Марказий Комитети май Пленумининг химия саноатини ривожлантиришни ва айниқса аҳоли талабларини ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун синтетик материаллар ва шу материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисидаги қарорини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленуми республикамизда химия саноатини жадал ривожлантиришнинг гоят катта программасини белгилаб берди. Саноатнинг ана шу соҳасини тинмай юксалтира бориш умумхалқ курашига айланиб кетди. Узбекхиммашликлар ҳам ана шу умумхалқ курашига ўзининг ҳиссасини қўшиш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Бу ерда шуни қувонч билан айтиш керакки, заводимиз шу йилнинг ўзидагина 400 дан ортиқ номдаги химия машиналари ва аппаратлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Бу маҳсулотлар Совет Иттифоқида биринчи марта бизнинг корхонада тайёрланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ синтетик спирт заводлари учун мураккаб асбоб-ускуналар, 5 типда газ пуфловчи ва бошқа хил аппаратлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Конструкторлик бўлимининг коллективи яқинда янги пар установкаси тажриба нусхасининг лойиҳасини тамомлади. Бу установка ҳозиргача тайёрланиб келинган ана шундай установкалардан кескин равишда фарқ қилади. У, эски аппаратга қараганда 2,5 баравар кўп қувватга эга бўлиб, автомат равишда бошқарилади.

Инженерлардан Цукерман, Обаяков, Харченко ва Несмеянов ўртоқлар 1,9 атмосфера босимида соатига 3 минг кубометргача азот пуфловчи машина лойиҳаси устида олиб борган ишларини тамомладилар. Мутахассисларимиз машинанинг газ таъсиридан бузилаётган қисмларини ва герметик ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бердилар.

Корхонамиз инженерлари ва техниклари шу билан бирга ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янгиликларни жорий қилиш масалаларига ҳам катта эътибор бераётирлар. Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати масаласига жиддий эътибор берилаётир. Чунки аппаратларнинг ҳаммаси жуда аниқликни талаб этади. Шу сабабли ҳам механика цехида аппарат ва машиналарнинг деталлари иккинчи класс аниқлигида ишланади. Шу сабабли ҳам инженер-техник ходимларимиз маҳсулот сифатини текшириш системасини янада яхшилаш, брак маҳсулотнинг ёки деталнинг ўтиб кетишига мутлақо йўл қўймаслик тадбирларини белгилаётирлар.

Қуйилган заготовкаларнинг сифатини текшириш учун биз ультратовуш дефектоскопларидан фойдаланмоқдамиз. Бу ажойиб прибор деталдаги оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган камчиликларни қидириб «топади» ва «ушлаб» қолади. Техника-назорат бўлимининг инженерлари Алексеенко ва Шапоренко ўртоқлар ҳозир деталларнинг пайванд йўли билан бирлаштирилган ерларидаги камчиликларни аниқлайдиган ва бажарилган ишларнинг сифатини белгилайдиган рентген ва гамма дефектоскопи яратиш устида ишламоқдалар.

Инженерлардан Бичков ва Смирнов ўртоқлар зангламайдиган пўлатни кислород ёрдами билан қирқиш усулини жорий қилдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Цех ва участкалардаги оғир иш процессларини механизациялаш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, қуюв цехида технология процесслари такомиллаштирилди, пўлат эритувчи печлар модернизациялаштирилди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, партия Марказий Комитетининг Пленуми томонидан қўйилган вазифалар нуқтаи назаридан қараганда ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ҳаётнинг ўзи янги-янги масалаларни, янги-янги проблемаларни ҳал қилишни талаб этмоқда. Ана шу масалаларни ҳал қилиш учун инженерлар ва техникларнинг ишини тўғри ташкил этиш зарур. Вахоланки, ҳозирги пайтда корхоналардаги инженер-техник ходимларнинг кўпчилиги иш кунини асосан кундалик масалаларни ҳал қилиш билан ўтказади. Бизнингча, ишни бундай ташкил этиш эндиликда ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди. Асосий бўлимларда — конструкторлик, технология, металлургия ва бошқа бўлимларда махсус группалар ташкил этиш вақти келди. Бўлимлардаги мутахассисларни икки группага бўлиш лозим, уларнинг бири кундалик ишлаб чиқариш масалалари билан, иккинчи группа эса перспектив масалалар билан шуғулланиши зарур. Агарда биз шунга эришсак, жуда катта натижаларни қўлга киритишимиз мумкин. Перспектив масалалар билан шуғулланувчи группадаги инженерлар янги машиналар яратиш, технология процессларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш масалалари билан шуғулландилар ва оқибатда корхоналар ишлаб чиқариш қувватини кескин суратда ошириш имкони туғилади.

Бундан ташқари, ҳар бир корхонада ташкилий-техник тадбирлар плани билан бир қаторда илмий-техник тадбирлар плани тузиш керак. Бу, инженер-техник ходимларнинг ижодий ташаббусини ошириш, қўйилаётган масалаларни илмий нуқтаи назардан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳал этиш имконини беради.

Тошкент Халқ хўжалик кенгаши ва унинг машинасозлик бошқармасининг раҳбарлари ана шу масалалар тўғрисида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Н. ФЕЙГЕЛЬСОН,
«Узбекхиммаш» заводининг инженери.

Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига эсдалик хати

9 июлда СССР ташқи ишлар министри Андрей Громико АҚШ ҳукуматининг Женевада экспертлар кенгашини ўтказиш масаласига доир 30 июндаги эсдалик хатига жавобан Совет ҳукуматининг эсдалик хатини АҚШнинг Москвадаги элчиси Л. Е. Томпсонга топширди.

Совет хатида айтиладики, АҚШ ҳукумати, экспертларнинг учрашуви ядро қуроли синовларини ҳамма жойда ва кечиктирмай тўхтатиш вазифасини ҳал қилишга бўйсундирилиши лозим, деган фикрга розимисиз деган саволга муайян жавоб беришдан бўйин товламоқда.

АҚШ ҳукумати экспертлар қиладиган ишни асосий мақсад билан — атом ва водород қуролини портлатиб синашларни ҳамма жойда ва дарров тўхтатиш мақсади билан боғламаётганлиги сабабли совет хатида уқтириб айтиладики, АҚШ ҳукумати, самарали контроль ўрнатиш мумкин эмас деган важлар билан ядро қуроли синовларини тўхтатишдан бош тортаётганлигини оқлашга ҳали ҳам уринмоқда, вахоланки, бундай контроль ўрнатишнинг тамомила мумкинлиги қозирлаёқ аёндир.

Совет ҳукумати, дейилади хатнинг охирида, экспертлар кенгашининг қиладиган ишлари асосий вазифани — ядро қуроли синовларини дарҳол ҳамма жойда тўхтатиш вазифасини ҳал қилишга бўйсундирилиши лозимлиги ҳақида АҚШ ҳукумати ўзининг лўнда гапини айтади, деб кутмоқда.

Коғозда қолиб кетган қарорлар

Тошкентдаги ремонт-экскаватор заводининг қурила бошланганига 11 йил бўлди. Бўлажак корхона деворига дастлабки гишт қўйилганидан бери орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳали ишнинг охири кўринмайди. Ҳатто баъзи цех бинолари қурилиши бошлангани ҳам йўқ.

Қурилиш ишлари ҳалдан ташқари чўзилиб кетаётганлиги сабабли бажарилаётган ишларнинг сифати мутлақо талабга жавоб бермайди. Баъзан қурилиш участкаларида бинокорлар нима қилишларини билмай бекор ўтиришади. Баъзан эса, юқоридан сиқиқ бўлиб қолган тақдирда, ҳа бўл-ҳа бўлга тушилади. Иш графиксиз олиб борилаётир. Хўжа кўрсингагина тузилган графиклар қоғозда қолиб кетаётир.

Кўп гап-сўзлардан кейин нариндан-бери 1953 йилда бешта цех чала-ярим битказилиб ишга туширилди. Шундан кейин қурилиш ишлари асосан тўхтатиб қўйилди. Бу цехларда иситиш, канализация, водопровод тармоқлари йўқ, вентиляция ўрнатилмаган.

Корхона темир йўл шохобчасида бор-йўғи 10 процентлик иш қолган. Ана шу 10 процентлик иш икки йилдан бери судралиб келинмоқда. Зарур объектларнинг ўз вақтида тўла битказилмаётганлиги корхонанинг нормал ишлашига жиддий таъсир қилаётир. Қурилиш ишлари жуда сифатсиз олиб борилаётир. Шу сабабли ҳам 1956 йилда темирчилик-қозон цехининг томи босиб қолди. Томни қайта ёпиш учун давлатнинг 1 миллион 600 минг сўм маблағи сарф қилинди. Механика-йигув цехининг томи ҳам сифатсиз ёпилганлиги туфайли ёғингарчилик пайтларда чакка ўтиб, цех деворларини ишдан чиқарди. Давлат комиссияси текшириб кўргандан сўнг цех томини қайтадан ёпишга қарор қилди.

Корхона объектларидаги қурилиш ишларининг аҳволи ҳақида кетма-кет сигналлар келабергач, Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлиги ўз коллегиясида бу масалани муҳокама қилди. Коллегия йиғилишида қурилиш ишлари планининг бажарилмаганига нималар сабаб бўлаётганлиги бирма-бир кўрсатиб ўтилди. 1957 йил 9 декабрда қабул қилинган қарорда бу объектни қуриб битказиш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олиниб, Тошкент қурилиш-монтаж конторасининг бошлиғи Капусткин ва завод директори Карицкий ўртоқлар зимасига 1958 йил 1 февралгача темирчилик-қозон цехини тўла битказиш, 1 майгача эса қуюв цехида бир вагранка ва битта ярим тоннали пўлат эритувчи электр печни фойдаланишга топширишни таъминлаш ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Завод қурилиши коллегия йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул этилгандан сўнг министрлик раҳбарлари бу масалани деярлик унутиб юбордилар. Қабул қилинган қарорнинг қандай бажарилаётганлиги вақти-вақти билан текшириб турилмади. Шу сабабли ҳам белгиланган қатор тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Қурилиш объектидаги тартибсизликлар эса давом этаберди. Ишда ҳеч қандай силжиш бўлмади.

Министрликка яна кетма-кет сигналлар кела бошлади. Шундан сўнг 1958 йил 11 мартда министрлик коллегияси ўз йиғилишида яна ремонт-экскаватор заводи қурилиши масаласини муҳокама қилди. Бу сафар ҳам камчиликлар бирма-бир карорга ёзилди. Капусткин ва Карицкий ўртоқларинг коллегия қарорини баж рмаганликлари кўрсатиб ўтилди. Бироқ белгиланган ишларни ҳар сафар барбод бераётган ҳамда жуда муҳим объект қурилишини орқага суриб юборишла айблор бўлган конкрет кишиларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Шу сабабли ҳам министрлик коллегиясининг бу қарори ўтган сафардаги қарор каби бажарилмай, қоғозда қолиб кетаберди.

Қурилиш ишларида ҳалигача жиддий ўзгариш бўлмади. Объектлар зарур бинокорлик материаллари билан ўз вақтида таъминланмаётир. Контроллик ва талабчанлик бўлмаганлиги сабабли қурилиш участкаларида бинокорлик материаллари талон-торож қилинмоқда. Жумладан, завод қурилиши учун келтирилган икки вагон тахта ҳамда темир йўл шохобчаси қурилиши учун келтирилган 130 дона шпал йўқолган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, завод директори ўртоқ Карицкий қурилиш ишлари суръатини тезлаштириш учун қурилиш-монтаж конторасига раҳбарларига нисбатан лозим даражада талабчанлик қилмаётир. «Ўзбекгидрострой» трестининг раҳбарлари эса қурилиш-монтаж конторасининг ишидаги жиддий камчиликлардан хабардор бўлсалар ҳам, бу камчиликларнинг олдини олиш ва бинокорлик ишлари суръатини жадаллаштириш тўғрисида жиддий қайғирмаётирлар.

Тошкент ремонт-экскаватор заводи областимиз хўжалигида жуда муҳим роль ўйнайди. Иш манфаатлари ана шу объект қурилишини қисқа муддат ичида тугаллашни ҳамда корхонани тўла қувват билан ишга туширишни талаб қилади. Шу сабабли ҳам республика Сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Ўзбекгидрострой» трестининг раҳбарлари бу объект қурилишига жиддий эътибор беришлари керак.

З. АХТЯМОВА.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ФАНИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

ЯНГИ КИТОБЛАР

Профессор Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг «Ўзбекистонда совет фанининг 40 йиллиги»[1] китобида диққатга сазовор бир факт келтирилган: «Вестник просвещения» («Маориф ахбороти») журнали 1906 йилги сонларидан бирида: «Ўрта Осиё аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш учун... 4600 йил (!) керак бўлади» деб ёзган экан. Ҳозир бу сатрларни ўқиган киши ажабланиши мумкин. Лекин Улуғ Октябрь социалистик революциясигача аҳолисининг 98 проценти саводсиз бўлган Туркистон ўлкасида халқ маорифи учун бюджетнинг 1,8 проценти сарфланганлигини эсга олсак. «Вестник просвещения» журналининг муболаға қилмаганлигини аниқлаймиз.

Ҳ. М. Абдуллаев ўз китобида Октябрь революциясигача халқи ёппасига саводсиз бўлган Ўзбекистонда совет фанининг ташкил топиши ва ривожланишини жуда кўп факт ҳамда материаллар асосида чуқур анализ қилади.

Китобнинг биринчи бобида фаннинг социалистик жамиятда тутган ўрни ва совет олимларининг 40 йил ичида эришган ютуқлари ҳақида сўзланади. Ҳозир Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигида олий ва махсус ўрта маълумотга эга бўлган 125 минг мутахассис ишлаётир. Автор ўз китобининг «Ўзбекистон фани — Октябрь самарасидир» деган бобида фаннинг турли соҳаларида миллий кадрларнинг ўсиб етишганлиги, совет фани, шунингдек Ўзбекистон фани ҳам ҳозирги замоннинг жуда мураккаб илмий масалаларини ҳал қилишга қодир эканлигини жуда кўп мисоллар билан ёрқин кўрсатиб беради.

Миллий республикаларда, шунингдек Ўзбекистонда қўлга киритилган сиёсий, иқтисодий ва илмий соҳалардаги ютуқлар жонажон Коммунистик партиямизнинг миллий масадани тўғри ҳал қилганлиги, унинг доно ва доимий раҳбарлиги ҳамда халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва дўстлик натижасидир.

Ҳозир Ўзбекистонда 32 олий ўқув юрти, 100 техникум ва махсус ўқув юртлари бор. Уларда 130 минг студент таълим олмоқда. Олий таълимнинг ривожланиши жиҳатидан Ўзбекистон фақат чет эл Шарқи мамлакатларидангина эмас, балки баъзи Ғарбий Европа давлатларидан ҳам анча ўзиб кетди.

Ўзбекистонда яшовчи ҳар 10 минг аҳолидан 81 киши олий маълумотга эга, бу эса Франциядагига қараганда 2 марта, Туркиядагига қараганда 7 марта, Эрондагига нисбатан 28 марта ортиқдир.

Автор китобининг кейинги бобларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига олимларимизнинг қўшган ҳиссаси ҳақида муфассал тўхталади.

Ўзбекистон геологияси ва фойдали қазилмаларини ўрганиш сосоҳасида эришилган ютуқлар социалистик қурилишда техника фанларининг роли, химик-олимларимизнинг халқ хўжалигини юксалтиришдаги хизматлари ва бошқа масалалар ҳам китобда тўлиқ ёритилган. Китоб хотимасида республика фани олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирилади. Бу китоб — Ўзбекистонда совет тарихи билан қизиқувчи ўртоқларга муносиб совға, агитатор ва пропагандистларимизга зарур қўлланмадир.

А. АБДУҚОДИРОВ.

[1] Х. М. Абдуллаев, «40 лет советской науки в Узбекистане» Издательство АН УзССР, Ташкент, 1958 г. Редактор Б. В. Лунин.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ»[1]

Халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тобора кучайиб, кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Буни серқуёш республикамизнинг халқаро алоқалари мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият томонидан тайёрланиб босилиб чиққан китобча ҳам ана шу ҳақда баҳс қилади.

Брошюра авторлари халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, янги урушнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик, ўзаро ёрдамни кучайтириш, халқаро кескинликни мустаҳкамлаш йўлида Совет ҳукумати одилона сиёсат олиб бораётганлигини айтиб, бунда ўзаро визитлар, маданий, иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг катта роль ўйнаётганлигини таъкидлайдилар. СССРнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан алоқаси тобора кенгайиб бораётир. Бунда 1953 йилда тузилган Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти катта роль ўйнамоқда. Китобчада берилган жадвал Ўзбекистонга келувчи чет эл делегацияларининг сони тобора ошиб бораётганлигини очиқ-ойдин кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистонга 1952 йилда 9 мамлакатдан 137 кишилик 12 делегация келган бўлса, 1957 йилда 50 мамлакатдан 1618 кишилик 173 делегация келган. Бular орасида дунёнинг ҳамма қитъасидаги кўпгина мамлакатларнинг йирик давлат арбоблари, фан, маданият, адабиёт ва санъат аҳллари, корхоналарнинг бошлиқлари, хуллас, турли миллат, турли касб, турли эътиқодга мансуб кишилар келиб кетмоқдалар. Китобчада ана шу чет эллик меҳмонларнинг Совет Ўзбекистони ҳақидаги ёрқин эсдаликларидан намуналар, уларнинг мақола, китоб, мемуар ва хотираномаларидан парчалар келтирилган. Чех халқининг миллий қаҳрамони Ю. Фучикнинг, румин журналисти Тома Георга Майорескунинг, Осиё мамлакатлари бирдамлиги Япония комитети секретари Токусабуро Дананинг, итальян ёзувчиси Альберто Моравианинг, хитой студенткаси Чжан Циннинг, Цейлон сенатори К. Виджесингхенинг, инглиз хотинқизлари делегациясининг аъзоси Ресси Миллтоннинг ва бошқа кўп меҳмонларнинг эсдаликларини ҳаяжонланмай ўқиб бўлмайди. Бу фикрларни ўқиган киши республикамизга келган ҳар бир меҳмоннинг Совет Ўзбекистони муваффақиятларидан ҳайратланганини, унинг халқ хўжалиги, фани ва маданияти тобора юксалиб бораётганлигини кўриб қойил қолганлигини чуқур ҳис қилади.

Китобчада республика олимлари, спортчиларининг халқаро алоқалари, китоб айрибошлаш тобора кенгаяётганлиги ҳақида қизиқ маълумотлар келтирилган. Айниқса Ўзбекистон иқтисодий алоқаларининг кучайганлигини таслиқловчи ажойиб маълумотлар айтилган. Жумладан, Ўзбекистон 40 дан ортиқ мамлакатга саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқараётир, кўпгина Шарқ мамлакатлари эса Ўзбекистонда тайёрланган юздан ортиқ номлаги маҳсулотларни олмоқдалар.

Шу билан бирга ўзбек ишчилари, олимлари, ёзувчилари, давлат ва жамоат арбоблари ҳам чет элларда бўлмоқдалар. Уларнинг сафарлари ҳақидаги кўпгина лавҳалар китобчада келтирилган.

Чет элларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортаётганлиги, ўзбек халқининг эса чет эллардаги прогрессив адабиёт, санъат ва маданиятга катта муҳаббат билан қараётганлиги брошюранинг алоҳида-алоҳида бобларида ҳикоя қилинади.

Публицистик тилда, пафос билан ёзилган бу китобча кенг ўқувчилар оммаси, агитатор ва пропагандистлар томонидан қизиқиш билан ўқилишига шубҳа йўқ.

М. ЯҲЕЕВ.

[1] А. Курманов, В. Трубников. «Совет Ўзбекистонининг халқаро алоқалари», «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти, Тошкент, 1958 йил. Редакторлари С. Муҳамедова ва И. Шафигин.



Тошкент кўн комбинати резина цехида янги МПС маркали вулканизация машинаси ўрнатилди. Бу агрегат ҳар сменада 2,5 минг пар резина таг чарми тайёрлайди. Суратда: (чапдан ўнгга) машиналарни ўрнатиш бўйича консультант А. Изотов ва слесарь Г. Краснов ўртоқлар янги машинанинг ишини синаб кўрмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Намунали кутубхоналар

(МУХБИРЛАРНИНГ ХАТЛАРИГА ОБЗОР).

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида турли корхона ва муассасаларнинг ўнлаб кутубхоналари меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг китоб фондлари кун сайин бойиб боряпти, китобхонлар сони эса тобора ортаётир. Редакциямизга келаётган хатларда кутубхона ходимларининг қизиқарли учрашувлар, китобхонлар конференциялари, турли виставка, витрина ва стендлар ташкил қилаётганликлари ҳақидаги хабарларни ўқиш мумкин.

Тошкент Индустриал техникумининг студенти **Ю. Йигиталиев** қуйидагиларни ёзади:

— Техникум кутубхонаси 18 мингга яқин китобга эга. Бунда сиёсий ва бадиий, техника ва қишлоқ хўжалигига оид турли адабиётларни топиш мумкин. Яхши жиҳозланган ўқиш залида газета ва журналларнинг доимо янги сонлари бўлади.

Мирзачўллик ёш мухбир **Т. Қозоқбоев** райондаги пионерлар уйига жойлашган болалар кутубхонасининг яхши ишлаётганлигини хабар қилади. Кутубхона ҳар куни пионер ва ўқувчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда турли темаларда суҳбатлар, китобхонлар конференцияси ўтказилиб туради. Ёш китобхонлар фотомонтажлар чиқаришда актив қатнашадилар.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз кутубхонаси яқинда 3 минг сўмлик янги китоблар сотиб олган. Булар орасида рус адабиёти классикларининг, совет ёзувчиларининг китоблари билан бирга ҳиндчадан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам бор. Колхозчилар айниқса шарқ халқлари адабиётини қизиқиб ўқимоқдалар. Буни янгийўллик **Б. Шаҳрамов** ўз хатида ҳикоя қилади.

Қишлоқ мухбири **Н. Қаюмов**нинг хабар қилишича, Оржоникидзе район кутубхонасида ёзувчи Н. Алматинскаянинг «Зулм» деган асарига бағишланган китобхонлар конференцияси жуда маъқули ўтган. Конференцияга иштирок этган автор ўз асарининг ёзилиши ҳақида қизиқарли ҳодисаларни сўзлаб берган.

Шунингдек Қорасув районидан **Н. Тоҳиров**, Верхне-волинск районидан **Х. Азизов**, Оржоникидзе районидан **Б. Турлибеков**, тошкентлик **М. Ниёзов** ўртоқларнинг редакциямизга юборган хатларида қишлоқ ва шаҳар кутубхоналари меҳнаткашларга маданий хизматни яхшилашда турли формалардан муваффақиятли фойдаланаётганликлари айтилади. Жумладан, оққўрғонлик газетхон **Н. Собировнинг** ёзишича, Ленин номли колхоз кутубхонасида китоб пропагандаси яхши йўлга қўйилган. Техникани ўрганиш, шахмат тўгараклари ташкил этилган, шу билан бирга бу ерда агитаторлар семинари ишлайди. Кутубхона ходимлари кўчма кутубхоналар ташкил қилиб, колхозчиларга далада маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Областимизда яхши хизмат қилиб, меҳнаткашларнинг ҳурматига сазовор бўлаётган кутубхона ходимлари сони ортиб бормоқда.

Институт туғруқхонасида

Тошкент Медицина институтининг 1- акушерлик-гинекология клиникасига қарашли туғруқхонага келувчи ҳомиладорларга медицина ходимлари биринчи кунданоқ катта ғамхўрлик кўрсатадилар. Айниқса она дарди оғирлашиб қолган пайтларда врачларнинг ёрдами катта бўлади. Баъзан она ва боланинг соғлигини сақлаб қолиш учун операция қилишга тўғри келади. Бу соҳада ишлаётган доцент А. Мирсоатов, ассистентлардан П. Алешковская, Х. Умарова, врач Н. Королеваларнинг хизматлари катта.

Шу кунларда профессор А. А. Коган раҳбарлигида ассистентлардан В. Захарова, М. Арзуманова, врач С. Тешкаронлар боланинг чала туғилиш сабабларини ўрганиш ва унинг олдини олиш, бу оғир аҳволнинг оқибатини енгиллаштириш йўлларини топиш учун катта илмий иш олиб бориб, медицина фанига кўпгина янгиликлар қўшмоқдалар.

А. КИМ.

Редакциямга хатлар

Шаҳардаги уйларни номерлашни тўла тартибга солайлик

Тошкент шаҳридаги уйларнинг номерлари ва кўчаларнинг номи бир неча йиллардан бери тўла тартибга солинмай келмоқда. Бу соҳада жуда кўп чалкашлик ва ноаниқликлар бор. Жуда кўп уйлар номерларга эга бўлмасдан ёки бир нечта уй учун битта номер қўйилган бўларди. Шунингдек, бир номга эга бўлган қўшалоқ кўчалар, баъзан эса номсиз кўчалар ҳам учрарди.

Шаҳар ижроия комитетининг қарорига мувофиқ ҳамма район коммунал хўжалик бўлимларида уйларни номерлашни тартибга солиш, кўчалар номини аниқ белгилаш ва уйларни электр фонарлари билан таъминлаш учун махсус бригадалар тузилди. Ўн ой мобайнида бу бригадалар шаҳарда 46 мингдан ортиқ уйни янги номер билан таъминладилар. Бу номерларнинг кўпчилиги кўчаларнинг номи кўрсатилган табличка ва уй электр фонарларидан иборатдир. Шу билан бирга бир хил номдаги кўчаларга алоҳида номлар қўйилди. Эндиликда бир қанча кўча, тупик ва проездлар янги ном билан аталмоқда.

Лекин умуман олиб қараганда, шаҳарда уйларни номерлаш ва кўчаларга ном қўйишни тартибга солиш, электр уй фонарлари сонини кўпайтириш ишлари қониқарли бажарилмоқда деб айтиб бўлмайди.

Фрунзе районидаги Қозиробод массиви ва Киров районидаги Отчопар массивидаги уйларга ҳалигача номер қўйилмаган. Фрунзе ва Октябрь районларида эса ном берилмаган кўчалар учрайди. Ленин районидаги Полевая кўчасига жойлашган уй номерлари ҳам тартибга солинмаган. Айниқса Марказий районидаги Шелковичная кўчасидаги уйлар номерини тартибга солиш масаласи шу пайтгача ҳал этилмагани кишини ажаблантиради. Бу кўчада бир нечта уй 16-номер билан аталади. 42-номерда эса 200 дан ортиқ уй бор.

Юқоридаги жиддий камчилик Марказий район райкомхозининг мудири Бояркин ва бош инженер Данилов ўртоқларнинг уйларни номерлаш масаласига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қараётганликлари орқасида юз берган.

Полиграфия ва Навоий каби катта кўчаларга жойлашган уйларни номерлашда ҳам кўпгина чалкашликлар бор. Шуни эътиборга олиш керакки, шаҳардаги кўпгина кўчаларнинг реконструкция қилиниши туфайли айрим уйларга янги номерлар берилган. Уй эгалари эса эшикка илгариги эски номерни ҳам, кейин берилган янги номерни ҳам осиб қўйганлар. Масалан, Лугина кўчасига жойлашган «Ташинтруд» артели клуби биносига осиб қўйилган электр фонарга 90 рақами ёзилган. Фонарь тагига эса 82-номер ёпиштириб қўйилибди. Киши номерларнинг қайси бирига ишонишини билмайди. Киров район коммунал хўжалик бўлими ходимлари ва 15-милиция бўлимининг участка вакиллари бундай ярамас фактларни жуда кўп кўрсалар ҳам эътибор бермай кетаверадилар.

Шаҳардаги ҳамма районларнинг коммунал хўжалик бўлимлари раҳбарлари ва милиция бўлимларининг бошлиқлари ўзларига қарашли территориядаги уйларнинг номерларини тезликда тартибга солишлари зарур. Ҳар бир уй битта номерга эга бўлсин.

Шаҳар ижроия комитетининг қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар милиция бошқармаси уйларининг номерлари ўзгарган гражданларнинг ҳаммасини рўйхатга олишни ташкил этиши зарур эди. Афсуски, шаҳар милиция бошқармаси районларда бу ишни жуда сусткашлик билан амалга оширмоқда. Шаҳар милиция бошқармаси гражданларни рўйхатга олишни тезда тамомлаш учун зарур чоралар кўриши керак. Рўйхатга олишда паспорт ва уй дафтарларида рўй берган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олишни унутмаслик лозим.

Шаҳардаги кўпгина уйларда электр фонарлари йўқ. Бу эса тунда айрим адресларни топишни жуда қийинлаштиради. Шуни ҳисобга олиб, йил охиригача 7 мингга яқин уйни янги электр фонарлари билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Уйларни номерлаш, кўчаларга ном қўйиш ва уйларни электр фонарлари билан таъминлашни жуда қисқа муддатда тамомлаш зарур. СССР аҳолисини рўйхатга олиш бошланадиган 1959 йил январь ойигача Тошкентдаги ҳар бир уй ўзининг ягона номерига, ҳар бир кўча эса ўз номига эга бўлиши керак.

Юқорида қайд этилган камчиликлар қанча тезлик билан тугатилса шаҳар аҳолисининг ҳақли талаби шунча тўла қондирилган бўлади.

С. ЯМПОЛЬСКИЙ,

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг старший инспектори.

Клубнинг қулфи очилсин

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бир неча минг сўм пул сарфлаб клуб курган. Клуб вақти-вақти билан ремонт ҳам қилиб турилади. Бу яхши. Лекин колхоз правлениесининг айби билан клубнинг доим берк туриши колхозчиларни жуда ранжитмоқда. Колхозчиларга кинофильм кўрсатиш учун район марказидан келган кўчма кино установкалар ҳам клубнинг берклиги туфайли фильм кўрсатмай қайтиб кетмоқда.

Колхоз правлениеси ёшларнинг талабига қарамасдан клубда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этиш ишига ҳам эътибор бермай келаётир. Клуб ёнидаги хоналарга жойлашган кутубхона ҳам яхши ишламайди. Кутубхонанинг ўқиш зали эса бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.

Колхоз раҳбарлари меҳнаткашларнинг клуб, кутубхоналар ишини яхшилаш тўғрисидаги ҳақли талабларини қачон бажарар эканлар?!

У. РУЗИҚУЛОВ,

колхозчи.

Магазинлар қурилиши қачон тезлаштирилади

Тошкент область матлубот союзининг 1956 йил учун тузилган ишлаб чиқариш планида Бўстонлиқ районининг маркази — Ғазалкент поселкасида 5 та магазин биносини қуриш планлаштирилган эди. Бу қурилишлар учун зарур бўлган маблағ ажратилди. Ўртоқ А. Агафонов бошчилигида қурилиш бригадаси ҳам тузилди. Бригада ишни хўжалик моллари билан савдо қилувчи магазин биноси қурилишидан бошлади. Кўп ўтмай бинонинг пойдевори қўйилиб, девори ҳам кўтарилди.

Лекин нима ҳам бўлдию, қурилиш бирдан тўхтаб қолди. Бу ердаги гишт терувчилар ва ёрдамчи ишчилар бошқа ишга сафарбар қилинди. Сал вақт ўтмай қурувчилар бригадаси маданий моллар магазинининг пойдеворини қурдилар. Деворни кўтаришга келганда қурувчилар яна бу ердан олиниб, парфюмерия магазини биносини қуришга киришдилар. Аммо бу иш ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди.

Область матлубот союзи қурилиши бошқармасининг Ғазалкентда ишлаётган бригадаси бир объектни фойдаланишга топширмай туриб, иккинчи участкага сакраб юрибди. Эндиликда поселканинг у кўчасида ҳам 4-6 хонанинг пойдевори қурилган бўлса, бу кўчасида ҳам девори кўтарилиб, усти ёпилмай қолиб кетган «бино»лар кўпайди.

Область матлубот союзи бу ердаги қурилишларни тезроқ тамомлаш ва фойдаланишга топшириш юзасидан кўп қарорлар қабул қилди, вақтлар белгилади. Кейинги қарорлардан бирида бу қурилишларни шу йилнинг май ойида тамомлаш ҳақида қатъий фикрга келинди.

Лекин бу муддат ҳам аввалгидек ўтиб кетди. Аммо 2 йилдан бери бironта магазин биноси тўла қурилиб битказилгани йўқ.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,

Бўстонлиқ район партия комитетининг ходими.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Ҳаммомда тартиб ўрнатилди

Сирдарё районидаги ҳаммомнинг фойдаланишга топширилганига қарийб 5 йил бўлди. Лекин шу вақтгача ҳаммомда тартиб ўрнатилмаган. Ювинишхона тартибли ва озода эмас. Баъзан сув, тос етишмайди, хуллас, ҳаммомда маданий-маиший хизматни яхши деб бўлмайди, дейилади редакцияга келган бир хатда. Редакция текшириш ва чора кўриш учун хатни район ижроия комитетига юборган эди.

Сирдарё район ижроия комитетининг секретари ўртоқ Ляшенконинг редакциямизга хабар қилишича текширишда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Район ижроия комитети ҳаммомда тартиб ўрнатиш, сартарошхона очиш, аптечка ташкил қилиш, хоналарни ажратиб турадиган ёзув тахталари осиш ва тосларни кўпайтириш юзасидан тадбирлар белгилаган.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Активларнинг материалларига кўпроқ ўрин берайлик

Ҳар бир газетанинг жойларда ишчи ва қишлоқ мухбирларидан иборат активи бор. Улар корхона, колхоз ва совхозлардаги ажойиб ишлаб чиқариш новаторлари эришган ютуқларни оммалаштиришда муҳим роль ўйнайдилар. Матбуотимизда мухбирлар кўпроқ қатнашган сари, унинг мазмуни яхшиланиб боради. Ишчи-деҳқон муҳбирлари билан ишлашни яхши йўлга қўйган редакциялар бу соҳада ижобий ютуқларга эришяптилар. Улар адресига ҳар куни кўплаб хат-хабарлар келиб турибди. Газета саҳифалари қизиқарли ва газетхонларга манзур бўладиган материаллар билан тўлиб чиқмоқда.

Лекин областимиздаги айрим газета редакцияларида мухбирларнинг хат-хабарларидан кўпроқ фойдаланишга ҳали ҳам етарли аҳамият берилмаяпти. Баъзи редакция ходимлари активлар билан ишлашни унутиб қўйиб, ўзларининг материаллари ҳисобига газеталарни тўлдириб чиқармоқдалар.

Буни Қорасув район партия комитети ва район Советининг органи бўлган **«Ленин йўли»** газетаси мисолида кўриш мумкин. Районда енгил, оғир саноат корхоналари анча ривож топган. Боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик тобора юксалмоқда. Маданий-маиший муассасалар ҳам талайгина бор. Газетанинг таъкидлашича кейинги йилларда кўпгина ишчи поселкалари вужудга келди. Мактаблар сони кўпайди. Ҳозир Қорасув район мактабларида ўн мингдан ортиқ бола ўқимоқда. 600 га яқин ўқитувчи ишлаб турибди.

Лекин районнинг бой, жўшқин ҳаёти газетада юзаки, жуда жонсиз ёритиляпти. Унинг саҳифалари бир хилдаги темада зерикарли қилиб ёзилган материаллар билан тўла.

Нимага шундай? Бунинг сабаби аниқ. Унда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг материаллари кўринмай кетди. Редакцияга келаётган хатлар ўтган йилга қараганда кескин равишда камайди. Газетанинг атиги 41 актив мухбири бор. Албатта бу жуда кам. Активларнинг сонини янада кўпайтириш мумкин эди. Афсуски, редакцияда бу масала билан ҳеч ким шуғулланмаётир. Кейинги тўрт йилдан бери мухбирларнинг бир марта ҳам йиғилиши ўтказилмади. Улар билан маслаҳатлашиб, зарур топшириқлар бериб турилмайди. Деворий газета редколлегияси аъзоларидан, партия, хўжалик ходимлари кучидан фойдаланиш масаласи ҳам бу ерда кўнгилдагидек эмас.

Тўғри, ўтган йили газета илғор чорвадорларга ўз трибунасидан кенг ўрин бериб, тўғри иш қилган эди. Унда «Аҳоли жон бошига гўшт. ёг ва сут етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик» деган рубрика остида кўпгина материаллар босилди. Колхоз раислари, бригада бошлиқлари, сут соғувчилар газета орқали ўз ютуқларини ўртоқлашдилар.

Бироқ бу ташаббус орадан кўп ўтмай нима сабабдандир ўз-ўзидан сўниб қолди. Яхши шиор газетада кўринмай кетди. Ажойиб, ишчан молбоқар, сут соғувчиларнинг мақолалари уюштирилмай қўйилди.

«Ленин йўли»да активларни газета атрофига тортиш, уларнинг кучидан тўғри фойдаланиб, актуал темаларда материаллар ёзишга ўргатилмаётир. Редакция ходимлари жойларда камдан-кам бўладилар. Ишлаб чиқариш активлари билан тез-тез учрашиб турмайдилар. Уларнинг мақолаларига кам ўрин берилади. Бунинг акси ўлароқ газетанинг кўп майдонини редакция ходимлари эгаллаб олишган. Ҳар бир сонда уларнинг 2-3 хабар ва мақоласи босилмоқда. Газетанинг 20, 21, 22- ва бошқа сонларида ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Айниқса бу соҳада редакция ходимларидан Раҳимжон Убайдуллаев, Ғулом Имомназаров, Темир Азимовлар бир-бирлари билан мусобақалашганлар. Мана, «Ленин йўли»нинг 23-сони. Унда 7 хабар босилган. Шундан фақат биттасигина қишлоқ мухбириники. Қолганларининг ҳаммаси редакция ходимларининки. Унда ўртоқ Имомназаровнинг имзоси билан босилган «Победа» колхози ҳақидаги танқидий мақола ҳам бор. У бир бетни бошдан-оёқ эгаллабди. Мақола ниҳоятда бўш ёзилган. Гуж-гуж фактлар билан тўлиб тошган, анализ йўқ. Баъзи жойларда бир устун материал бир абзац қилиниб, қайтарик, ўринсиз сўз ва жумлалар билан тўлдирилган.

Бундай фактларни бошқа материаллардан ҳам истаганча топиш мумкин. Хабарлар яхши таҳрир қилинмайди, пала-партиш босиляпти. Шуларнинг бирида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз:

«Мен колхозда кўп йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Менинг қилаётган ҳалол меҳнатларимни ҳисобга олиб М. Горький номли колхоз правлениеси мени колхозга бригада бошлиғи қилиб тайинлади. Менга 40 гектар ерга яқин ер ва шунга етарли ишчи кучлари ҳамда от-улов асбоблари бириктилди».

Шуниси ҳам қизиқки, босилаётган материалларнинг кичик ёки катта бўлишидан қатъий назар, қўпол имлосиз чиқади. Афтидан бу билан редакциядаги ўртоқлар ўзларининг материалларини кўп босаётганликларини яширимоқчи бўлсалар керак.

Мухбирлар хатининг кам босилиши — танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса қуйидан бўладиган танқидни кучайтиришга хизмат қилмайди.

Газета атрофига актив мухбирларни тортишдаги асосий йўлларидан бири, уларнинг хабарларини тез-тез босиб туришдир. Бу эса улар билан алоқани янада мустаҳкамлайди.

Қорасув районида мазмунли ва қизиқарли хабарлар билан матбуотимизга қатнашиб турадиган активлар жуда кўп. Гап ана шулар билан системали ишлашда қолган. Газета колхозчиларни, механизаторларни, хизматчиларни ўз атрофига қанчалик кенг жалб қилса, ўзининг коллектив пропагандистлик, агитаторлик ва омма олдидаги ташкилотчилик вазифасини ҳам шунчалик муваффақиятли бажара олади. Бу редакциянинг жонажон ва шарафли бурчидир.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Прогрессив Африка адабиёти

Африка халқлари тарихий ва маданий тараққиётнинг узоқ ва мураккаб йўлини босиб ўтганлар. Лекин бу талантли халқнинг маданий бойлиги тўғрисида маълумот Африкадан ташқари жойларда ҳали жуда кам тарқалган. Бу қитъада мустамлакачилар томонидан жорий этилган шафқатсиз эксплуатация, ирқий камситиш, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қулликка солиш сиёсати Африка халқларининг тараққиётига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам Африка халқлари озодлик ва миллий мустақиллик учун курашни сўнгги йилларда ҳар томонлама кучайтириб юбордилар. Улар мустамлакачиликка қарши озодлик учун олиб бораётган курашларида империалистик мамлакатлардаги прогрессив кучлар, бутун дунёдаги тинчлик ва демократия фронти билан бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Африка халқларининг бутун дунёдаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатида актив қатнашаётганлиги бунинг ёркин далилидир. Африкали тинчлик учун курашувчиларнинг вакиллари тинчлик тарафдорларининг Жаҳон Конгрессида қатнашдилар. Тинчлик тарафдорларининг Бутуниттифоқ конференцияси ўтказилган кунларда Совет Иттифоқига келган тинчлик тарафдорлари Доимий Комитети делегацияси составида Африка вакиллари ҳам бор эди. Шунингдек, африкаликлардан 12 киши Жаҳон Тинчлик Советининг аъзоси қилиб сайланган.

Халқ оммаси онгининг ўсишида, мустамлакачиликка қарши курашни авж олдиришда, тинчлик ва миллий мустақиллик учун қатъий туриб курашда Африка мамлакатларининг прогрессив ёзувчилари катта роль ўйнамоқдалар.

Ҳозирги замон Тунис ёзувчилари аш-Шабби, Мунаввар Сумадах, Муҳаммад ал-Марзуқий ва бошқалар ўз асарларида халқнинг тинчлик ва озодлик учун курашини, эзгу ниятларини акс эттирганлар.

Туниснинг талантли ёзувчиси ва актив жамоат арбобларидан бири Абул-Қосим аш-Шабби (1909-1934) эди. Дарс беришнинг прогрессивроқ формаларини талаб қилиб чиққан студентлар ҳаракатига бошчилик қилган аш-Шабби «Ёшлар союзи»нинг ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир бу ташкилот Тунис ёшлари орасида катта обрўга эгадир.

Ёзувчи бутун ижодини ўз халқига бағишлаган. Ўз тақдирини халқи ва Ватани билан чамбарчас боғлаган аш-Шабби мамлакатнинг қолоқлиги ва халқининг қашшоқлигидан қаттиқ қайғиради. Ана шу қайғият унинг «Поэзия», «Юрақдаги мангулик», «Шоирнинг қалби» ва бошқа шеърларида ифодаланган. «Ҳаётга интилиш» шеърида шоир ўз халқининг аҳволини образли қилиб, ёркин тасвирлайди ва халқни ёркин келажак учун курашга чақиради.

«Дунё золимларига» шеърида аш-Шабби эски дунёнинг емирилишига тўла ишонч билдиради:

«Золим, эҳтиёт бўл, майли,
Сени алдамасин кўклам,
Кўкдаги мусаффо ҳаво,
Тонгдаги шафақ, ёғду ҳам.
Уфқда даҳшатли шарпа,
Гулдираб момақалдироқ,
Эшитилмоқда акс-садоси,
Эмоқда шамол кучлироқ...
Сени юлқиб ирғитади
Оққан қон кучли тўлқини,
Сени тортади қаърига
Оловли гирдоб бир куни!»

«Ғўзал Тунис», «Чўпон қўшиғи», «Дарахт шохлари қўланкасида» каби шеърларида шоир ёркин бўёқларда ўз ватанининг ажойиб табиатини тасвирлайди.

Ҳозирги замон Тунис шоирлари, айниқса Мунаввар Сумадах поэзиясида аш-Шаббининг таъсири яққол сезилиб туради.

Талантли ёш шоир Мунаввар Сумадахнинг ижоди сўнгги йилларда тез ривожланди. Унинг «Ҳаёт тонги», «Қурбон», «Босиб олинган жаннат» каби шеърлар тўплами ва «Очлик билан кураш» номли мақолалар китоби босилиб чиққан.

«Қурбон» тўпламини шоир Тунис озодлиги учун курашда ҳалок бўлганларга бағишлаган. Китобнинг биринчи бетида босилган «Ватан чақирди» сарлавҳали шеърда Сумадах шоирнинг ватан олдидаги бурчи ҳақида гапиради ва адабиёт арбобларини халқ билан бирга қадам ташлашга, у билан ёнма-ён туриб, мамлакат озодлиги учун курашишга чақиради.

Тўпламдаги бир қатор шеърлар Ватан чақириғи билан тоғларга бориб, катта хавф ва машаққатларга қарамай ғалаба учун курашаётган тунис партизанларига бағишланган.

«Ҳаёт тонги» китобидаги шеърларда тунис халқи ҳаётининг турли томонлари акс этган. «Озодларнинг чақириғи» шеърида Мунаввар Сумадах бундай деб ёзади:

Қалбимиз адолат нури-ла тўлган,
Порлоқ ўй, ҳақиқат билан
кучлимиз,
Халқлар эрки билан кўтарамиз
туг,
Кишанларни узиб, яксон этамиз.
Элимиз ҳур, кучли бўлсин деб
ҳар он
Тайёрмиз унинг-чун бўлмоққа
қурбон.

«Очлик билан кураш» номли публицистик тўпламда мустамлакачиликнинг иллатлари — қашшоқлик, очарчилик ва саводсизликка қарши Тунис прогрессив кучлари олиб бораётган кураш ёркин ифодаланган. Ахлатларни титиб овқат ахтариб юрган болалар, ишсиз ёшлар, оғир аҳволдаги хотин-қизлар тўғрисида автор куюниб гапиради. Бу аҳволни ўзгартириш учун уларни курашга чақиради.

Туниснинг яна бир бошқа ёзувчиси Муҳаммад ал-Марзуқийнинг ижоди ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Унинг ҳам бир нечта ҳикоя ва шеърлар тўплами чиққан.

Марзуқийнинг «Мен ёки конституция» деб аталган ҳикояси қишлоқдаги бир тўйни тасвирлашдан бошланади. Бироқ бу тўй қўшни қишлоқда деҳқонлар қўзғолони бўлиши муносабати билан тарқалиб кетади. Қўзғолонни бостиришга зарҳол жазо отряди юборилади. Шундқуёв қурол билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган деҳқон дўстларига ёрдам бериш учун қўшни қишлоққа жўнаб кетади. Куёвнинг бу хулқидан ранжиган келин унга: «Мен ёки конституция!» дейди. Келиннинг ранжиши ҳам, ота-онасининг ялиниб-ёлбориши ҳам йигитни тўхтатаолмайди, у, қўшни қишлоққа бориб қўзғолончилар сафига қўшилади. Уни бир неча марта тюрьмага ташлайдилар, ҳақорат қиладилар ва шафқатсиз калтаклайдилар. Аммо буларнинг ҳаммаси унинг мустаҳкам иродасини синдиролмайди, халқига содиқ бўлиб қолади.

«Ватан овози» номли ҳикояда Ватан ва халқ манфаатларини ҳаммадан юқори қўювчи, ўз ҳаётида ана шунга амал қилувчи революционерларнинг қаҳрамонлиги кўрсатилган.

Муҳаммад ал-Марзуқий ҳикояларининг ҳамма қаҳрамонлари ўз ҳаёти ва бахтини мамлакатий эзувчилардан озод қилишга бағишлаган олижаноб қишилардир.

Унинг «Сенинг учун Ватаним!» ҳикояси ҳоинликдан кўра ўлимни афзал кўрган бир ватанпарварга бағишланган. Ҳикоя қаҳрамони ёш шоферга мамлакат районларидан биридаги партизанлар ҳаракатини бостириш учун машинада полициячиларни олиб бориш топширилади. У машинани атайин тоғ ён бағрилаги қия йўлдан ҳайдайди ва машина ағнаб кетади. У умрининг сўнгги дақиқасида «Сенинг учун Ватаним!» деб жон беради.

Жазоир адабиёти ҳақида гапирганда бу мамлакат халқининг француз мустамлакачиларига қарши озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаттиқ курашини эсга олмасдан бўлмайди. Қаҳрамон Жазоир халқининг озодлик йўлидаги курашини ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Дунёнинг ҳамма прогрессив кучлари, шу жумладан ёзувчи ва шоирлар ҳам бу курашга ҳайрихоҳ бўлиб, уни қўллаб-қувватламоқдалар. Франциянинг прогрессив ёзувчилари ҳам Жазоир халқини самимий ҳурмат билан тилга оладилар. Луи Арагон ўзининг «Коммунистлар» номли романида бир қанча ҳаяжонли саҳифаларни Жазоир солдатларининг қаҳрамонлигига бағишлаган. Андре Стиль «Биринчи зарба» романида жазоир ва француз ишчиларининг пролетар интернационализми принципларига асосланган дўстлиги ва франция коммунистларининг Жазоир мустақиллиги тарафдори эканликлари ҳақида гапиради.

Жазоирнинг атоқли адибларидан бири — учта роман ва кўпгина ҳикоялар автори Муҳаммад Дибдир. Унинг «Катта уй», «Ўт» ва «Тўқувчининг ҳунари» номи билан кенг китобхонлар оммасига машҳур бўлган трилогияси жазоир халқининг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

«Жазоир» трилогиясининг бош қаҳрамони Умар исмли ўн яшар бола. Автор ана шу қаҳрамонни ҳар хил шароитда тасвирлаш орқали мустамлака зулмидан азоб чеккан, аммо бўйсунишни истамайдиган жазоир халқининг кайфиятини очиб беради. Муҳаммад Диб жазоир халқининг уйғониб бораётганини, мамлакатни ҳонавайрон, халқни эса кашшоқликка дучор қилган мустамлакачилар зулмидан озод бўлишга интилишни ёркин сатрларда баён этади. Трилогияда революционер Ҳамид Сирож образи тўла қонли бўлиб чиққан. У ўз ҳаётини халқ ишига бахш этган. Ҳамид шаҳармашаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб отаишин нутқлар сўзлаб, ишчилар синфи сафларини мустаҳкамлайди, озодлик ва мустақиллик учун курашда галаба қозониш деҳқонларнинг ишчилар синфи билан бирлашишига боғлиқ эканлигини одлий халққа уқтиради. Жазоирнинг кўкни ўпган тоғлари, унумдор водиларини, экинзор далаларни ва узумзорларини автор зўр маҳорат билан тасвирлайди. Трилогияда жазоир халқининг иродаси ва келажакка бўлган ишончи зўр куч билан таранним этилган. Бу ишонч халқ манфаатлари йўлида жонини фидо қилишга тайёр бўлган Слимон Мискин, Ҳамид Сирож, Умар образлари орқали берилган. Муҳаммад Диб ўз халқининг кучи ва иродасига, мустамлакачилик кишанларини тилка-пора қилиб ташлайдиган кун яқин эканлигига қаттиқ ишонч билдиради.

Талантли негр ёзувчиси Фердинанд Ойононинг «Кекса негр ва медаль» романи китобхонни Қора Африка билан таништиради. Роман қаҳрамонлари — негрлар, инсонга хос бўлган ҳамма хислатларга эга кишилар. Аммо улар мустамлакачиларга қарам бўлганлари туфайли ҳуқуқсиз, қашшоқ, оч-ялангоч яшайдилар. Француз миссионерлари бу содддил халқий ҳеч сўзсиз бўйсунишга ўргатганлар. Бўйсунмасалар қаттиқ жазоланадилар. Шунга қарамай улар озодлик ҳақида ўйлайдилар ва оқ танлилар қадами етмаган ерларда, узоқ ўтмишда жасур ота-бободлари эркин яшаган даврларни эслайдилар.

Романнинг асосий қаҳрамони негрлар йўлбошчисининг авлоди кекса Мекадир.

У ўзининг бор-йўғини Францияга беради: икки ўғли урушда ўлдирилади, оқ танлилар маслаҳати билан ерини миссионерларга совға қилади. Бунинг учун оқ танлиларнинг «Улуғ доҳиси» — губернаторнинг ўзи чолни медаль билан мукофотлайди, ҳатто вино ҳам ичиради. Маст бўлган Мека саиқиб бойлар кварталига кириб қолади. Оқ танлилар уни ўғирликда айблаб, тутиб олиб урадилар. Ҳақоратланган ва газабланган Мека, унинг дўстлари оқ танлиларга ишониш мумкин эмаслигига, негрлар билан мустамлакачилар манфаати ҳеч қачон бир бўлолмаслигига қатъий ишонч ҳосил қиладилар. Роман охирида китобхон Қора Африка ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга ўйғонди деган хулосага келади.

Жанубий Африка Союзида чиқадиган «Нью Эйдж» номли прогрессив газета 1957 йил бошларида энг яхши ҳикоялар учун конкурс эълон қилган эди. Кўзга кўринган касаба союз арбоби Мбе ўзининг «Боқувчи» номли ҳикояси учун конкурсда биринчи мукофотни олишга муваффақ бўлди. Ҳикоя қаҳрамони негр Мавусо бемор онаси ва синглисини боқиш учун ёшлиқданоқ меҳнат қилишга мажбур бўлади. У бутун умр бўйи тинмай меҳнат қилса ҳам, доим қашшоқликда яшайди. Мавусо «ҳаммага ўрнак бўладиган» негр, «ўз оқ танли оғаларига» содддиллик билан қулоқ солади. Уларнинг фақат меҳнат ва ювошлик билан яхши ҳаётга эришиш мумкин деган сохта гапларига ишонади. Ҳикоя охирида унинг барча ишончлари пуч эканлиги кўрсатилади. Уни насиҳатгўй оқ танлилар ўлдирадилар. У фақат негр бўлгани учун ўлдирилади. Унинг шундан бошқа «айби» йўқ эди.

Ёзувчи Корининг «А. даги госпитал»и, Хатчинсоннинг «Лизанинг гуноҳи» ҳикояларида ирқий камситиш акс эттирилган. Гваланинг «Тепаликда» номли ҳикоясида эса африкаликларнинг ўз озодлиги учун кураши ёркин картиналарда тасвирланган.

Ҳақиқатан ҳам мустамлакачилик режимига қарши курашда халқ билан бирга бораётган прогрессив Африка ёзувчилари, шоирлари ва драматурглари сафи борган сари ўсмоқда. Халқчил, прогрессив адабиёт яратаётган бу қаламкашлар асари ўз душманларига қарши курашаётган халқ қўлида ўткир қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

З. РИЗАЕВ,
Б. ШУСТЕР.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг илмий ходимлари.

Тошкент Медицина институтининг қирқинчи байрами

Урта Осиёнинг энг кекса олий ўқув юртларидан бири, медицина ходимлари ўчоғи — Тошкент Давлат медицина институти қирқинчи марта ёш врачлар тайёрлаб чиқарди. Одат бўйича эна шу қувончли кун катта тантана билан нишонланади. Бу байрам Тошкент Офицерлар уйининг маданият ва истироҳат боғида нишонланди. Кечада институтни битирган йигит ва қизлар, профессор ва ўқитувчилар, шунингдек бу олий ўқув юртини тамомлаб, республикамизнинг турли медицина муассасаларида муваффақият билан ишлаётган врачлар ҳам қатнашди. Ахир ТашМИ да қирқ йил мобайнида 10 минг 135 врач етишиб чиққан-ку!

Тантанали кечада институт директори доцент А. Ғуломов бу кекса олий ўқув юртининг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, медицина ходимлари тайёрлашдаги улкан хизмати ва совет фанини ривожлантиришдаги роли ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Н. Компанцев бу йил институтни тамомлаб чиққан 485 йигит-қизга врач унвони берилганини хабар қилади. Қарсаклар янграйди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. Асқаров ёш медикларга ишда муваффақият тилайди.

Кеча қатнашчилари учун катта концерт ва турли ўйинлар кўрсатилди.

Суратда: Тошкент Медицина институтини тугатган бир группа йигит-қизлар ўз ўқитувчилари орасида: (чапдан, ўтирганлар) профессорлардан С. Бобожонов, Э. Отахонов, ассистент С. Ийлдошева, доцентлардан А. Ғуломов, С. Далимов ўртоқлар.

С. ТИЛЛАХЎЖАЕВ,
В. Салов фотоси.

„Баҳор“ ансамбли Иттифоқ бўйлаб гастролга жўнаб кетди

Яқинда Ўзбек давлат филармонияси «Баҳор» ансамблининг 50 кишилик коллективи Москвада бўладиган Ўзбек адабиёти ва санъати декаласи олдидан ўз санъат маҳоратини намойиш қилиш учун икки ойлик гастролга жўнаб кетди. Ансамбль СССР бўйлаб бўладиган бу гастроль даврида Москва шаҳри, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва бошқа иттифоқчи республикаларда бўлади.

Ижодий коллективнинг концерт программаси ранг-баранглиги.

«Баҳор» ансамблига Ўзбекистон ССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ва республикада хизмат кўрсатган артист бош балетмейстер И. Оқилов раҳбарлик қиладилар.

А. ИНОҚОВ.

Автомобиль парки кенгаймоқда

Оҳангарон шаҳридаги автомобиль парки йил сайин фойдаланиш учун қулай бўлган янги-янги автомашиналар билан таъминланиб, кенгайиб бормоқда. Яқинда шаҳардаги 29-автобазага 26 ўринлик 12 та пассажир автобуси, 4 та «Победа» маркали енгил такси машинаси келтирилди. Ҳозир бу машиналар шаҳар ичи ва шаҳарлараро маршрутларда йўловчиларга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари «Ўзбекшахтострой» трестига қарашли 2-автомобиль паркига ҳам 10-25 тоннагача юк кўтара оладиган 11 та янги самосвал келтирилди.

А. КУКИЕВ.

Колхозлараро пионерлар лагери

Бўстонлиқ райони тоғлар билан ўралган. Бу ерда мевазор, сердарахт, баҳаво ва хушманзара жойлар кўп. Балинин районидаги 6 та колхоз бирлашиб, районнинг Хумсон қишлоғида колхозлараро пионерлар лагери ташкил қилди. Лагерда болалар уч сменада дам олиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Лагерни ташкил қилиш ва бошқариш иши Сталин номли колхоз правленниесига топширилган. Лагерь талабга мувофиқ безатилган, етарли асбоб-ускуна билан таъминланган. Ҳозир лагерда пионер ва ўқувчилар мириқиб дам олмоқдалар.

Тошкент район халқ маорифи бўлими ҳам Чатқол тоғлари оралиғида 90 болата мўлжалланган лагерь ташкил этди.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Шиша толасини йигирувчи янги машина

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми халқ хўжалигимиз ва меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун сунъий материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улардан буюмлар тайёрлашда кенг фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Таштекстилмаш» заводи коллективи Пленумнинг ана шу қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқда. Ҳозирги вақтда заводда синтетик толалар йигирувчи янги машиналар яратилмоқда.

Махсус конструкторлик бюроси шиша толасини йигирувчи РКС-83 маркали янги машина яратди. Завод тажриба цехида йиғилаётган бу машина илгари чиқарилган ана шундай агрегатларга нисбатан бирқанча афзалликларга эга. Конструкторлар машинанинг айрим деталларини пластмассадан ясаганлар. Бу — агрегат вазнини анча енгил бўлишига, унинг таннархини камайишига олиб келган.

Суратда: завод тажриба цехида (ўнгдан) етакчи инженер Р. Мангутов, йигувчи слесарь М. Ярочкин ва конструктор Г. Колбасинлар янги РКС-83 машинаси деталларининг тўғри йиғилаётганлигини чертеж асосида текширмоқдалар.

Текст ва фото О. Косировники.

Чиноз районида

ХОНАДОНЛАР ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

Район алоқа бўлими ходимлари колхозчилар ва совхоз ишчиларнинг уйларини электрлаштириш ишларини тез суръатлар билан бажармоқдалар. Ҳозир Яллама қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз аъзолари хонадонларидан мингдан ортиғида Ильич нурлари порлаб турибди. Бу хонадонларга 6- Бўзсув ГЭСидан электр қуввати келмоқда. Шунингдек, райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «XIX партсъезд» колхозларининг ҳамма участкаларидаги хонадонларни электрлаштириш ҳам қисқа вақт ичида тамомланади.

ШОФЕРЛАР КУРСИ

Район ДОСААФ комитетининг ташаббуси билан 6 ойлик шоферлик курси очилган эди. Яқинда ана шу курсни комсомол-ёшлардан 30 киши тамомлаб, шоферлик гувоҳномасини олдилар. Ёш шоферлар ишлаш учун колхоз ва совхозларга жўнаб кетдилар. Курсга яна 60 киши қабул қилиниб, машғулотлар бошлаб юборилди.

САВДО ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида район марказида савдо тармоқлари кенгайтирилмоқда. Бу ерда озиқ-овқат магазини, Вревский қишлоқ советида ресторан, янги Чиноз поселкасида ошхона, чойхона, китоб магазини қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги савдо тармоқлари меҳнаткашларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда.

ЯНГИ КИНОТЕАТР

Янги Чиноз поселкасида яшовчи аҳоли кўп йиллардан бери ёзлик кинотеатрни орзу қилиб келарди. Район маданият бўлими ишчи ва хизматчиларнинг талабларига мувофиқ бу ерда 400 тамошабинга мўлжалланган ёзлик янги кинотеатр биносини қуриб ишга туширди. Поселка аҳолиси кинотеатрда қизиқарли бадиий фильмларни тамоша қилиб, маданий дам олмоқда.

Н. САИДОВ.

Ёш операторлар

Шу йилнинг бошида Тошкент телевизион студиясига кўчма телевизион станцияси келтирилган эди. Бу мураккаб аппаратурани операторлардан Носир Васлиев, Пўлат Расулов ўртоқлар бошқариша бошладилар. Студия бу икки операторга ёш ҳаваскор операторларни шогирд қилиб биркитиб қўйди. Васлиев ва Расулов ўртоқлар ўз шогирдлари билан 80 соат назарий ва 200 соатга яқин амалий машғулот ўтказишди. Натижада шогирдлар аппаратлар билан мукаммал танишиб, уни қийналмай бошқара оладиган бўлдилар.

Яқинда ёш операторлардан Тўлқин Бобожонов, Ким Алексей, Жалол Ваҳобовларга операторлик гувоҳномаси берилди.

А. ПУЛАТОВ.

РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планининг тайёрланиши муносабати билан ўзаро товар етказиб бериш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун Руминия Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Бирлэдяну бошчилигида Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси 9 июлда Москвага келди. (ТАСС).

ДЎСТЛИК СОВЕТ ЖАМИЯТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Яқинда Москвада Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда сўзга чиққан Л. В. Дубровина, П. П. Лобанов, С. М. Буденний, Е. И. Афанасенко, Н. А. Муравьева, Г. В. Александров, С. В. Образцов, М. В. Нестеров Совет — Хитой дўстлиги, Совет — Польша дўстлиги, Совет-Мўғул дўстлиги, Совет — Румин дўстлиги жамиятларининг, «СССР — Финляндия», «СССР — Италия», «СССР — Буюк Британия», «СССР — Япония» жамиятларининг фаолияти тўғрисида гапириб бердилар, иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

Улар ҳамма дўстлик жамиятларининг иши СССР билан чет эллар ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, шахсий алоқаларни кенгайтиришга, совет халқини жаҳондаги турли мамлакатлар халқларининг ҳаёти ва меҳнати билан таништиришга, шунингдек чет элларнинг жамоатчилигини совет халқининг ҳаёти, экономикаси, фани ва маданий қурилиши билан кенг таништиришга қаратилганлигини таъкидладилар.

Ишни яхшироқ ташкил қилиш мақсадида жамиятларда комиссиялар ёки секциялар тузилиб, уларнинг ишига совет жамоатчилиги кенг табақалари —студентлар, ёзувчилар, рассомлар, ишчи ва хизматчилар, жамоат арбоблари жалб этилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари совет ва чет эл дўстлик жамиятлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш зарурлигини таъкидладилар. (ТАСС).

Москва устида қутб ёғдуси

8 июлдан 9 июлга ўтар кечаси Москва устида катта қутб ёғдуси пайдо бўлди. СССР Фанлар академияси астрономия институтининг ярим кечада учинчи совет сунъий йўлдоши ва учирувчи ракетани одатдагича кузатиш учун тайёрланиб турган илмий ходимлари тўсатдан осмонда ёрқин яшил-гунафша тусидаги ёйни кўриб қолдилар.

Кузатувчилардан бири бўлган Р. Л. Хотинок бундай дейди:

— Орадан икки-уч минут ўтгач бу ёй Москва устини чиройлик чодир каби қоплаб олди. Соат 12-12 минутга бориб қутб ёғдуси тез йўқола бошлади.

Шу куни кечаси москвалик олимлар учинчи совет сунъий йўлдошининг учирувчи ракетасининга фотоаппарат билан суратга олиб қолмаслан, шу билан бирга Москва устидаги қутб ёғдуси сингари ажойиб ҳодисанинг ҳам фотоаппарат билан бир қанча суратини олдилар.

СССР Фанлар академиясининг атмосфера физикаси институтида ТАСС мухбирига берилган маълумотда айтилишича бундай кенгликларда ва айниқса ёз фаслида қутб ёғдусининг пайдо бўлиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Қутб ёғдусининг пайдо бўлиши қуёш активлиги кучайиб кетганлигининг натижаси деб ҳисоблаш мумкин.

Қуёш активлиги бу йил жуда кучли бўлади, бу эса Ер атмосферасига катта таъсир ўтказади, магнит бўронларини ва қутб ёғдуларини вужудга келтиради. (ТАСС).

АСТРОНОМЛАРНИНГ МОСКВАДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ХАЛҚАРО СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

«Ўзгарувчан юлдузлар умумий каталоги»

Совет астрономия фани ўзгарувчан юлдузларни ўрганишда катта муваффақиятларга эришди. Бундай юлдузларнинг СССРда нашр қилинаётган каталогларидан бутун дунё астрономлари фойдаланмоқда.

Ҳозир, астрономларнинг Москвада ўтказиладиган халқаро съезди арафасида, СССР Фанлар академиясининг нашриёти «Ўзгарувчан юлдузлар умумий каталоги» иккинчи нашрининг биринчи томини босиб чиқарди. Б. Б. Кукаркин, П. П. Паренаго, Ю. И. Ефремов ва П. Н. Холопов тузган бу катологда 1958 йилга қадар кашф қилинган ва белгиланиб қўйилган 14708 ўзгарувчан юлдуз тўғрисидаги маълумотлар бор.

Бу катта асарни тузган совет олимлари ўзгарувчан юлдузларни бутун дунёда текшираётган тадқиқотчилар каталогга ғоят қизиқаётганликларини қайд қилмоқдалар. Бу олимлар СССР даги ўз ҳамкасбларига бу нашр учун ҳали эълон қилинмаган янги маълумотларни юборибдилар. Айрим ўзгарувчан юлдузлар тўғрисидаги маълумотлар ёзилган 500 га яқин хат чет мамлакатлардан олинди. Шундай қилиб, каталогни тузиш ишида 23 мамлакатнинг астрономлари қатнашди.

Чет элларда

Совет Иттифоқининг Эронга ёрдами

ТЕҲРОН, 9 июль. (ТАСС). Совет авиахимия экспедициясининг иккинчи отряди кеча Керман вилоятидан бу ерга қайтиб келди. Совет мутахассислари Керман вилоятида экинларни нобуд қилиш хавфини туғдирган чигирткага қарши кураш олиб бориш учун Эрон ҳукумати томонидан таклиф этилган эдилар. Совет авиахимия экспедицияси 129 минг гектардан ортиқ ердаги чигирткани тамомила қириб ташлади.

Керман вилоятининг генерал-губернатори экспедиция аъзолари билан хайрлашиб, кўрсатилган ёрдам учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди. «Сизнинг қилган ишингиз — деди у, — Эрон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ишига қимматли ҳисса бўлиб қўшилди».

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ УМУМ ХИТОЙ МАЖЛИСИ ДОИМИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИДА

ПЕКИН, 9 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг билдиришича, бугун Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитетининг мажлисида Хитой Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида савдо-сотиқ ва денгизда қатнаш тўғрисида тузилган шартнома тасдиқланди. Бу шартнома шу йил 23 апрелда Пекинда имзоланган ва 5 июлда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг 78-ялпи мажлисида маъқулланган эди.

ИСРОИЛ ДИПЛОМАТИГА ПОЛЬШАДАН ЖЎНАБ КЕТИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

ВАРШАВА, 9 июль. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришича, Польша Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги Варшавадаги Исроил элчихонасининг биринчи секретари Я. Барморени номақбул шахс деб эълон қилган ҳамда унга 48 соат ичида Польша территориясидан жўнаб кетишни таклиф этган. Я. Барморе Польша Халқ Республикасининг манфаатларига зид бўлган иш олиб бориш учун поляк гражданларини жалб этишга уринган.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ ЛИВАН ВАКИЛИНИНГ ИҒВОГАРЛИК НАЙРАНГИ

НЬЮ-ЙОРК, 9 июль. (ТАСС). Ливаннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Карим Азкул Хавфсизлик Кенгашига узундан-узоқ хат юборди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ливандаги кузатувчилар группасининг биринчи доклади ҳақида Ливан ҳукумати айтган расмий фикрларни ўз ичига олган шу ҳужжатда, кузатувчилар группасининг хулосалари «ишонч бўлмайдиган» гаплардир, дейилади.

Хатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Хаммаршельд томонидан кузатувчилар группасига Хавфсизлик Кенгаши юклатган вазифалар ҳақида берилган изоҳ ҳам шубҳа остига олинади. Хатнинг бу қисми ҳақиқатда кузатувчиларга ва бош секретарга ишончсизлик билдиришнинг ўзгинасидир.

Хатда яна айтиладики, «ўзларининг ахборот манбалари бўлган Қўшма Штатлар, Англия ва Франция ҳукуматлари Бирлашган Араб Республикасининг Ливаннинг ички ишларига аралашаётганлиги ҳақида Ливан ҳукуматининг фикрига қўшилсалар керак».

Бу гапда ҳеч қандай янгилик йўқ, чунки кузатувчилар группасининг доклади Ғарб давлатларининг ҳукмрон доираларини жуда аччиғлантирганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доираларига маълум, чунки бу докладда Бирлашган Араб Республикаси Ливаннинг ички ишларига «аралашганлигини» кўрсатувчи бирор далил борлиги инкор қилинади. Ваҳоланки, Ғарб мамлакатларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида Ливанга қуролли интервенция қилиш учун мана шундай «далиллар» керак эди.

Америка мухбирларининг Вашингтондан берган хабарларига қараганда, АҚШ давлат секретари Даллес кеча Хаммаршельд билан қилган суҳбатида унга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кузатувчилар группасининг чиқарган хулосаларидан ўзининг норози бўлганлигини айтган.

Ливан делегациясининг матбуот конференциясидан кейин Бирлашган Араб Республикасининг вакили Таҳсин Башир журналистларга қисқача баёнот берди. У, кузатувчилар группасининг доклади Бирлашган Араб Республикасини Ливан ишларига «оммавий интервенция» қилаётир деб айтган асоссиз эканлигини кўрсатди ва Ливан ҳукуматининг узундан-узоқ шарҳларида бу асоссиз айбларни тасдиқлайдиган битта ҳам факт йўқ, деб таъкидлаб ўтди. Бирлашган Араб Республикаси, — деди у, — Ливан ишларига аралашган эмас ва бундан буён ҳам аралашмайди.

Африка давлатлари ядро қуроли синовларини тўхтатишни талаб қилишлари лозим...

ҚОҲИРА, 9 июль. (ТАСС). Франция Саҳрои-Кабирда атом қуролини портлатиб синов ўтказиш ниятида эканлиги тўғрисидаги хабарлар муносабати билан «Алаҳром» газетаси, бу синовлар Африканинг 200 миллион аҳолисига бевосита хавф туғдиради, деб таъкидламоқда.

Африка давлатлари, деб ёзади газета, бир ёқадан бош чиқариб атом синовларини тўхтатишни ва тақиқлашни талаб қилаётган бошқа ҳамма давлатлар билан бирталикда ҳаракат қилишлари лозим.

Зўр бериб қуролланиш йўлида Штрауснинг Париждаги музокараларига доир

ПАРИЖ, 9 июль. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг ҳозир Парижда турган ҳарбий министри Штраус матбуот конференциясида сўзга чиқиб унинг француз ҳукуматининг вакиллари билан олиб бораётган музокараларида «асосан техника характеридаги» масалалар устида гап бормоқда, деди. Франция билан Германия Федератив Республикаси, — деди министр, — қурол-яроғларни биргаликда ишлаб чиқариш планларини кўриб чиқмоқдалар. Бу планларнинг баъзилари ҳозирдаёқ амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳозирги вақтда «Франция, Италия ва Ғарбий Германиянинг эҳтиёжларига мосланган» 30 тонналик танк яратиш соҳасида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, — деди Штраус, — бошқариладиган ракеталар ишлаб чиқариш масаласи кўрилмоқда. Бу ишларда Италия ҳам қатнашмоқда. «НАТО аъзолари бўлган бошқа мамлакатлар ҳам бу ишлардан хабардор қилиниб турибдилар».

Дўстларнинг учрашув кечаси

СССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон ёшлар конгресси делегацияси Ўзбекистонда бир неча кундан бери меҳмон бўлиб турибди. Тошкентдаги темирйўлчилар Маданият саройида Ўзбекистон пойтахти ёшлари вакилларининг ҳинд йигит ва қизлари вакиллари билан учрашувига бағишланган кеча ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси А. А. Акрамов қисқача кириш нутқи сўзлаб кечани очди.

Ҳиндистон ёшлар делегациясининг бошлиғи Сат Пауд Митталь кеча қатнашчиларининг узоқ давом этган гулдурос қарсаклари остида минбарга чиқади. У, рус ва ўзбек тилларида, урду тилида гапириб, залдагиларга Ҳиндистон ёшларидан алангали салом топширади, делегациянинг Ўзбекистонда дўстона кутиб олинганлиги учун ташаккур изҳор қилади.

Биз шундай мамлакатдан келганмизки, — дейди Сат Пауль Митталь, — бу мамлакатнинг халқлари «тинчлик, дўстлик» сўзларини жуда қадрлайдилар. Бизнинг ватандошларимиз бошқа халқлар билан ёнма-ён туриб, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Делегациямиз сизнинг ажойиб мамлакатингизда қарийб бир ойдан бери саёҳат қилмоқда ва ҳамма жойда жуда самимий, жуда қизғин кутиб олинмоқда. Биз кўп нарсаларни кўрдик. Сизларнинг муваффақиятларингиз шунчалик катта ва шунчалик улуғворки, улардан қойил қолмаслик мумкин эмас. Лекин совет ака-укаларимиз ва она-сингилларимиз билан бўлган учрашувлар биз учун энг катта қувонч бўлди.

Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Сат Пауль Митталь Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ёшлари ўртасидаги дўстлик белгиси сифатида эсдалик совғалари тақдим этади.

Делегация аъзоси Манубҳай Патель ҳинд шоирининг поэмасини ўқиб берди. Бу поэмада Ўзбекистоннинг революцияга қадар қанчалик қолоқ бўлганлиги ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон республикаси қандай гуллаб-яшнаётганлиги куйланади. Делегациянинг бошқа аъзоси Пуран Синг Озод Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни куйлайдиган ва бу дўстликни мустаҳкамлашга даъват этадиган ўз шеърини ўқиб берди.

Тантанали қисмдан кейин концерт бўлди. (ЎзТАГ).

Телевизор экранида

11 ИЮЛДА

19.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.
19.50 Киножурнал.
20.00 Рус тилида топишмоқли концерт.
20.35 Бадиий фильм — «Коммунист» (ўзбек тилида).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА — 11, 12, 13/VII кеч соат 9 да **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг катта концерти.**

«РОДИНА» — кундуз соат 1-20 минутгача **Чарли Чаплин кинокомедиялари,** кундуз 3 дан кеч 8 яримгача **Ғаразли никоҳ,** кеч 10-20 минутда кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Ғаразли никоҳ,** кеч соат 9 ва 11 да **Қора денгиз сари.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Римский-Корсаков,** эрталаб 11-45 минут, кундуз 1 ярим ва 3-15 минутда **Чарли Чаплин кинокомедиялари,** кундуз 4-40 минутдан **«Бахтли тегирмон».**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ХИВА» — **«Бахтли тегирмон»**

«САЛЮТ» — **Чарли Чаплин кинокомедиялари.**

КАФАНОВ номли — **Ғаразли никоҳ.**

Красний партизан кўчаси, 129-участкада турувчи **Содир Солихович Усмоновнинг** шу уйда турувчи Мавжуда Усмоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3- участка халқ судида кўрилади.

Переяславская кўча, 1- тупик, 13- уйда турувчи **Аъзам Ориповнинг** Маннон Уйғур кўчаси, проезд Жалалобод, 5/7- уйда турувчи Ҳусния Раҳмонқуловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1- участка халқ судида кўрилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

ТЕНТАК

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ

Ф. М. Достоевский романи асосида ишланган.
Биринчи қисми — НАСТАСЬЯ ФИЛИППОВНА
Сценарий автори ва постановкачи — Иван Пырьев.
Бош оператор — В. Павлов.
Музика — Н. Крюковники.
Ролларда: Ю. Яковлев, Ю. Борисова, Н. Подгорний, Л. Пархоменко, Р. Максимова, В. Пашенная, Н. Пажитнов, И. Любезнов, К. Половикова, Л. Иванова, В. Муравьёв, С. Мартинсон, П. Стрелин, Г. Шпигеллар қатнашади.
Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1958 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135, Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 07042. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-521.